

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Қадрли фахрийлар!

Авалло, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонкуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда сиз, заҳматқаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуг инсонларсиз. **Бу улкан бойлик – ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос – яхши тарбиядир.**

Шу боис бугун сизларнинг шаънингизга билдираётган олижаноб истакларимиз, таъзим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этгайсиз.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда сўнги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб, математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Охирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 карра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиланган интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўяётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардош бўлиш учун халқимизни, авваламбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижаларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошланган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси – фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **“Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепцияси”**ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган **Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз.** Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг қадрли, шаъни ва ғурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошланган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

QADRI BALAND ONA TILIM

Jahonda o'z ona tilini ulug'laman, uning sha'ni obro'si uchun kurashmagan xalqni topish mushkul. Tilda har bir xalqning asrlar davomida bosib o'tgan yo'li, tarixi, milliy qadriyatlari, urf-odatlar, madaniyati va san'ati, ma'naviyati o'zining yaqqol ifodasini topgan bo'ladi. Til — har bir millat madaniyatining o'zagidir. Shu sababli ham tilning saqlanishi xalq taraqqiyoti va kelajagini belgilaydi. Til xalqni birlashtiradi, tarbiyalaydi, o'qitadi, urf-odat, an'analarini saqlaydi. Shunday ekan, ona tilimizning xalqaro miqyosidagi obro'-e'tiborini yuksaltirishda, uni milliy va umum-bashariy tushunchalar asosida taraqqiy etgan tillar safiga qo'shishda har birimiz hissa qo'shishimiz kerak. Zero, til bor ekan, millat barhayotdir. Ona tili — millatning ruhi, uning ornomusi, ma'naviy qiyofasi, orzu-umidlarning namunasidir. Ona tili millatning birligi va birlamligining timsolidir. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofiga birlashtiradi va dunyoda borliqni ta'min etadi. Har bir millatning o'z Vatani, oilasi bo'lgani kabi uning jonajon va betakror ona tili ham bo'ladi. Inson uchun uning Vatani, ota-onasi, oilasi qanchalik qadrlil bo'lsa, ona tili ham shu qadar aziz va muqaddas bo'ladi. Hattoki, go'dak ham o'z Vatani, ota-onasini, dunyoni o'z ona tili orqali anglaydi. Farzand tarbiyasida onaning o'rnini beqiyos bo'lganidek, insonning hayotda o'z o'rnini topishida, kamolotga erishuvda tilning o'rnini ulkan ahamiyatga ega. Shu bois tilni, onaga qiyoslab ona tili deb ataydilar. Jamiki, ezgu fazilatlar, avvalo, ona allasi va ona tilining bebaho jozibasini orqali singadi. Turk dunyosining buyuk marifatparvar ijodkori Ismoilbek Gaspirali aytganidek: "Millatning ikki asosi bordur. Bu ularning tili va dinidir. Agar millat hayotidan shu ikkisidan biri sug'urib olinsa, bu millat tanazzulga yuz tutur".

Suvsiz daryo bo'lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga kelmaydi. Biror millatga mansub bo'lgan til o'sha millat bilan yashaydi va bardavom bo'ladi.

Ota-bobolarimiz qadimdan tilni asrab-avaylashgan, rivojlantirishgan. Masalan, A.Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Lutfiy va boshqalar o'zbek tilining rivoji uchun beqiyos hissa qo'shganlar. Turkiy tillar oilasiga mansub bo'lgan o'zbek tilimiz bizning bebaho boyligimizdir. So'z mulkingning sultoni, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o'zi yashagan murakkab davr — XV asrda tilimiz himoyasiga o'tlanib, turkiy til o'z imkoniyatlari jihatidan boshqa tillardan sira qo'lishmasligini ilmiy va amaliy jihatdan isbotlab berdi. O'zining "Xamsa" shoh asarini turkiy tilda yaratdi. Hozirda ham shoirlarimiz o'zbek tilining boyligini, uning buyukligini namoyon etuvchi asarlar yaratmoqdalar. Boisi buyuk adabiyoti bo'lgan xalqning buyuk tili ham bo'ladi. Insonning qanday ma'naviyatga ega ekanini uning tilida, chiroyli nutqida namoyon bo'ladi. Til millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasi, tuganmas mulkidir.

O'zbek xalqi asrlar davomida dunyo sivilizatsiyasiga, umum-bashariy qadriyatlar rivojiga ulkan hissa qo'shib kelmoqda. Bunda ona tilimizning xizmati katta. Chunki bu til bo'lmasa Mahmud Koshg'ariyning «Devoni lug'atit-turk» kitobi, Ahmad Yasaviy hikmatlari, Alisher Navoiyning «Xamsa»si, Bobur Mirzoning «Bobumoma»si, Abdulla Qodiriyning romanlari, Cho'lpon va Abdulla Oripovning otashin she'riyati yaratilmagan bo'lardi. Shuning uchun ona tilimiz millatimiz ruhining timsoliga aylanib ketgan. Ona tili — ezgu fazilatlar, yuksak tuyg'ular manbai. U inson kamolotida betakror o'rin tutadi. Chunki onalarimiz bizga shu tilda alla aytadi, inson uchun hayotiy zarur bilim va tushunchalarni til vositasida ong-u shuurimizga singdiradi, odob-u axloqimiz, fe'l-atvorimiz til orqali berilgan o'git va nasihatlar asosida shakllanadi. Ayniqsa, inson tafakkurining shakllanishi bevosita til bilan bog'liq. Chunki biz biror-bir narsaning xususiyatlari haqida o'ylaganda har biri aniq bir so'zda ifodasini topgan tushunchalar, fikr va ta-

savvurlarga tayangan holda uning o'ziga xos tomonlarini anglaymiz. Masalan, daraxtning yashilligini ajratish uchun yashil degan so'zning ma'nosini bilgan bo'lishimiz kerak. So'zni, ya'ni tilni bilganimiz sari biz dunyoni ham yaxshiroq bilib boramiz, fikrimiz o'sadi, ongimiz yuksaladi.

Mustaqillikka erishganimizdan keyin o'zbek tili rivojiga katta e'tibor berilgani natijasida Konstitusiyamizda, «Davlat tili haqida»gi qonunda o'zbek tilining davlat tili sifatidagi maqomi, uni rivojlantirishning huquqiy asoslari belgilab qo'yildi. Bu ona tilimiz taraqqiyotida yangi davr boshlanganining ifodasi edi.

Bugungi kunda davlatimizning eng muhim hujjatlari o'zbek tilida yuritilmoqda. Ona tilimiz davlatlararo muloqotlarda, dunyoning nufuzli minbarlarida, xalqaro anjumanlarda ham keng qo'llanmoqda. U istiqloq yillarida milliy g'urur manbayiga, mustaqilligimiz timsoliga aylandi. 21 oktabr yurtimizda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun sifatida o'zgacha g'urur, faxr va iftixor bilan keng nishonlanmoqda. Ona tilini sevish — vatanparvarlik belgisi, ajdodlar ruhiga hurmat ramzi. O'z tilini asrab-avaylagan xalq o'zligini, g'ururini asrab-avaylagan boladi. Tilimizdagi hayo, ibo, andisha, oriyat, nomus, mehr-oqibat degan so'zlarni boshqa tillarga aynan tarjima qilib bo'lmaydi. Ularni faqat o'zbek tili orqali ifoda etish mumkin. Chunki bu tushunchalar ko'proq bizning xalqimizga xos va ularni bayon etishga ham faqat shu xalqning tili qodir. Bir so'z bilan aytganda, ona tilimiz xalqimiz dilining tubida bo'lgan eng murakkab tuyg'u va tushunchalarni ham ifoda etadi.

Agar biz o'z tilimizning ko'rkamligi, boyligini dunyoga tarannum etsak, millatimiz kelajagi porloq, birligimiz mustahkam bo'ladi.

**Sherzod AHMADALIYEV,
FVV Maxsus muhandislik
qurilish boshqarmasi
tarbiyaviy va mafkuraviy
ishlar bo'limi boshlig'i,
kapitan.**

Тил муқаддас ва мўътабар, у шахсни шакллантирган, қавмларни бирлаштирган, миллатни тараққиёт босқичига олиб чиққан, миллатнинг руҳий тақомилини, тафаккурини, ғурурини вужудга келтирган олий неъматдир. Табиат бундай олий неъматни фақат инсонларгагина ато этган. Сўз мулкининг султони, буюк бобомиз ҳазрати Мир Алишер Навоий "инсонни сўз айлайди жудо ҳайвондин" деб эътироф этса, улуғ бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб "Одобнинг боши тилдир" деб таъкидлайди. Тилга кўрсатилаётган бундай эҳтиром инсоннинг ўз тилига ҳурмати ва эъзозидир.

ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Тил – миллат руҳи, тил ўлса, миллат ҳам тамом бўлади. Бунга мисоллар камми? Европа тилларининг шаклланишида етакчи тил вазифасини бажарган буюк латин тили, Шарқ тилларининг бобоси, деб атаганимиз санскрит ёзуви тамоман тугаб битди. Ёки яқин ҳудудларимизда кенг қулоч ёйиб тараққий этган сўғд тили, паҳлавий, парфиён тилларининг кечмишини эслайлик. Шунинг учун ҳам тилимизнинг бугунги ривожини ва жаҳон тиллари орасидаги муносиб ўрни учун беадад шукурлар қилишимиз керак. Тилимизнинг бугунги кунгача омон-эсон келишининг асосий боиси – халқимизнинг ўз она тилини жонидан севиши, ижод қилиши ардоқлашидадир.

Ҳадиси шарифларда "Китобининг зебу зийнати, гўзаллиги унинг тилидадир", дейилади. Қадим-қадим замонлардан бери ҳар бир миллат, ҳар бир қавм ўз тилига буюк ҳурмат билан қарайди. Тилнинг расмий мақоми миллат ёки халқ учун жуда улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамиятга молик масала. Чунки расмий тил, тил соҳибларининг миллий-маънавий яхлитлигини таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Шу маънода миллий яхлитликка эришиш, ватанпарварлик миллий тилга эътибордан бошланиши бежиз эмас. XIX асрда яшаган француз олими М.Беллини ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарига "Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз" деган ҳикматли сўзларидан таъсиридан, 1861 йилда эълон қилинган "Мир

Алишер Навоий биографияси ва ижоди" китобида шундай деган эди: "Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот қилганлиги ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганлигидан далолатдир".

Демак, тил ва нутқ масаласи қадимдан миллат маънавияти ва маданияти тақомилининг бош омилларидан бири бўлиб келган. Она тилимизни келажакнинг таъминлаш – халқимиз маданиятини асрашдир, унинг боқийлигини таъминлаш муҳимдир.

Айни пайтда тилга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бош мақсади Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлмиш миллий ғоямизнинг курашчанлигини таъминлашда маънавият ва маърифат ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Зотан, юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларда тил муаммолари, хусусан, она тилига, давлат тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилинаётганлиги бежиз эмас. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Демак, ҳар биримиз ўз она тилимизга эътиборли бўлишимиз, уни ардоқлашимиз, келajak авлодга нафосат ва назоратли тилимизни бутун гўзалликлари билан етказишимиз лозим. Бу иш бугунги авлоднинг келajak авлод олдидаги энг муқаддас бурчидир.

**Гулбаҳор БЕКОВА,
Тошкент шаҳар ФВБ
бошлигининг маънавий-
маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР

Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати юксак қадрланади. 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинади.

Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод нури ва қалб қўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунаси.

Дунёда камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда маънавий юксалишнинг асосий гарови ва мезони бўлган зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларига кўрсатилаётган эҳтиром намунаси.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг самараси юртимизнинг тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илмфан ва таълим-тарбия соҳасининг ривож билан узвий боғлиқ.

Бугун замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимизнинг муносиб камол топишида ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳиссаси беқиёс.

Юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассисларни тарбиялашда устоз-мураббийларнинг хизмати беқиёс бўлиб, ҳеч бир муболағасиз, инсон капиталининг шаклланиши айнан уларга боғлиқ. Зеро, ҳар бир инсон ўқитувчи ва мураббийларнинг захматли меҳнати туфайли ҳарф танийди, савод

чиқаради, таълим олади, тарбия топади. Бугун бирон касбни эгаллаб, Ватан ва эл корига яраётган киши, аввало, улардан миннатдор бўлмоғи лозим.

Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

ни жорий этиш тўғрисида” фармони ҳамда “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилинди. Унга асосан Ички ишлар вазирлигидан Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, унинг таркибий



сида”ги фармони қабул қилинганлиги жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузи ва обрў-эътиборини янада оширишда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилган вақтдан буён аҳолини ва раҳбарлар таркибини фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар соҳасида тайёрлаш вазирлигининг устувор вазифаларидан бири, деб белгиланган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўйича раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ташкил этилган.

Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 10 апрелида “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими-

ва ҳудудий тузилмалари, Ёнғин хавфсизлиги институти ва Мудофаа вазирлигидан Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

2020 йилнинг 26 августида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими функционал қуйи тизимида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялари белгиланган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифига биноан Фуқа-

ро муҳофазаси институтида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб "Фавқуллода вазиятларда аҳоли хавфсизлиги" мутахассислиги бўйича магистратура очилганлиги ҳам барчамизни қувонтирди.

Республикамиз аҳолисини фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича Фуқаро муҳофазаси институтида кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Буларнинг орасида педагогика фанлари номзоди, доцент "ФВДТни бошқариш ва режалаштириш" кафедраси профессори Сумбул Хусанованинг ўрни бекиёс.

С.Хусанова 1998 йилдан Фуқаро муҳофазаси институтида ассистент-ўқитувчи, ўқув-услубий бўлимда бош мутахассис, илмий-тадқиқот ва нашриёт бўлими бош мутахассиси, кейинчалик бўлим бошлиғи, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, ҳозирги кунда эса профессор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сумбул Исламовна меҳнат фаолияти давомида ўзини ижобий томондан кўрсатиб, институт шахсий таркиби орасида билими, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги, хушмуомалалиги билан танилиб, обрў-этибор қозонди. Доимо ўзининг профессионал ва педагогик маҳоратини ошириш устида иш олиб боради.

2005 йили Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида "Ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари" мавзусида педагогика тарихи ва назарияси мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олган.

С.Хусанова кўпгина халқаро, республика миқёсидаги конференцияларда илмий мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Узоқ йиллар давомида тингловчиларга сабоқ бериш билан бирга, таълим тизимида тарбияланувчи ва ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаб ўқув-

чилари учун ўқув дастури, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар ишлаб чиқишда Сумбул Исламовнанинг ўрни катта. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари учун "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсидан 1-11-синфлар кесимида ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар, ўқувчилар учун дидактик материаллар тўпламлари, плакатлар тўплами, "Ўқувчининг шахсий хавфсизлиги" ўқув қўлланмаси, олий ўқув юртлари бакалаврлари учун "Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" дарслиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Илмий изланишлар билан бир қаторда тажрибали устоз институтнинг ёш изланувчан ўқитувчиларига ҳам мураббийлик қилмоқда. Сумбул Хусанова ўз иш фаолияти давомида кўплаб услубий қўлланмалар, кўргазмалар, кўрсаткичлар, 80 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар чоп этди.

Ҳозирги кунда Сумбул Хусанова "Умумтаълим мактабларида «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» курси мавзулари орасидаги узвийликни таъминлаш механизминини тақомиллаштириш" мавзусида изланиш олиб бориш билан бир қаторда институтнинг бир гуруҳ илмга чанқоқ ўқитувчилари ва шогирдлари билан ҳамкорликда республикамининг таянч мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" машғулотларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тажриба-синнов ишларини олиб бормоқда.

Фуқаро муҳофазаси институтига ассистент-ўқитувчи лавозимига қабул қилинган Назокат Саидхонова ўз функционал лавозимида белгиланган ишларни ўз муддатида ва юқори сифатда бажариб келмоқда. Институт ва кафедра жамоаси орасида ҳурматга сазовор, ўз устида доимий равишда ишлайди.

2021 йилнинг февраль ойида "ФВДТни бошқариш ва режалаштириш" кафедрасига доцент лавозимига тайинланди. Ҳозирги кунда Педагогика назарияси. Педагогик таъли-

мотлар тарихи бўйича илмий изланиш олиб бормоқда.

Навбахор Назарова 2009 йилнинг март ойидан ФМИ махфий бўлим бошлиғи, кадрлар бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият олиб бориб, 2015 йилдан ўқитувчи лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Н.Назарованинг ишчанлиги ва ташаббускорлиги раҳбарият томонидан рағбатлантирилиб, у 2021 йилда Институт инновацион ва илмий-тадқиқот ишларини бошқариш бўлими катта илмий ходими – доцент лавозимига тайинланди. Меҳнат фаолияти билан параллел равишда Н.Назарова педагогик фаолияти даврида олиб борилган илмий-услубий ишларини тўплаб, тартибга келтирди ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ва шу йилда доцент илмий унвонига муносиб кўрилди. Н.Назарова давлатимиз томонидан илм аҳлига кўрсатилаётган эътибордан руҳланиб, Фавқуллода вазиятларда хавфсизлик, ёнғин, саноат, ядро ва радиациявий хавфсизлик ихтисослиги бўйича ФВВ Академиясининг техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил тадқиқотчиси сифатида изланишлар олиб бормоқда.

Фидойи, жонкуяр устоз ва мураббийларимиз унинг машаққатли меҳнатини баҳолашга сўз ожиз. Биз бугун кўлимиз кўксимизда, устоз ва мураббийларини байрам билан чин дилдан қутлаб қоламиз.

**Р.СОБИРОВ,
ФВВ Академияси
ҳузуридаги ФМИ катта
ўқитувчиси, Касаба уюшма
кўмитаси раиси.**

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонларидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун беқиёс меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам унинг шогирдларга берган таълим-тарбияси бениҳоя улугдир.

УСТОЗ ЁДИ

Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Балки унга фарзандига кўрсатмаган таважжуҳ билан юзланади. Унинг юпун ва совуқ бўлган маънавий оламини ўзининг қалб кўзи билан иситади. Зимистон дунёсини илм қуёшининг мўъжизакор зийеси билан мунаввар этади. Сабр ва меҳр билан парваришлайди. Дунёю охиратда улуглик, манфаат ва нажот келтирадиган йўлга йўллайди. Бунга кўшимча равишда шогирдининг салоҳияти учун туну кун меҳнат қилади. Натижада унинг қўлига ниҳол бўлиб келган ўқувчи ва талаба совуқ урмасдан, зулматларда абгор бўлмасдан униб-ўсади ва вақти келиб бу ниҳол ҳаёт бўстонидаги сербарг ва мустаҳкам дарахтга айланади. Кейин у ҳам ўз навбатида маънавият боғига ўзининг ҳар хил меваларини тақдим қилади.

Устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздир, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишади.

Бинобарин, устозу муаллимларни рисоладагидек ҳурматламай, ҳақларини муносиб равишда адо қилмай туриб, фарзандларимиздан эл-юрт, жамият, қолаверса, бутун дунё учун фойдаси тегадиган етук шахсларни кутиш мумкин эмас. Халқимизда "Устоз отангдан улуг", деган яхши ибора бор. Дарҳақиқат, ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга ҳаётда яшашдан таълим беради. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда тенглар ичра тенг овоз билан халқаро майдонда ўз мавқеига эга бўлишида устоз ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир. Юртимизда

ҳар йили 1 октябрь — Устоз ва мураббийлар куни байрами сифатида кенг нишонланади. Албатта, бу байрам мустақил юртимизда устозларга бўлган ҳурматнинг рамзий ифодаси бўлиб, аслида устозларга эҳтиром ажодларимиздан мерос бўлиб келаётган буюк қадриятларимиздан саналади.

Анвар Турдиевни Бухоро вилояти ФВБнинг ҳар бир ходими, қолаверса, жамоатчилик вакиллари яхши биларди. У ўзининг фидойилиги, тўғрисиўзлиги билан вилоятда ҳурмат қозонган эди. Бу инсонни соҳамизнинг барча шахсий таркиби, катта-кичик раҳбарлар устоз, деб ардоқлар, бошқарма ёнгин хавфсизлиги хизматининг ҳақиқий фахри, намунали ходимларидан эди.

Анвар Олимович хизмат фаолиятини 1996 йилда ўша вақтдаги Бухоро вилояти ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармасида Марказий диспетчерлик хизмати бошлиғи лавозимидан бошлаб, йиллар давомида соҳамизнинг турли лавозимларида хизмат қилди. Ўзининг касбига бўлган садоқати, меҳри, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўла олди. Устознинг кўплаб лавозимлардаги фаолияти давомида ёш ходимларни касбга йўналтириш, жанговар ва касбий малакасини шакллантириш, уларга касбимизнинг сир-асрорларини ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашиш асосий кундалик иши ва мақсадига айланганди.

Анвар Турдиев ўзининг намунали иш фаолияти давомида ўнлаб, эҳтимол юзлаб шогирдлар тарбиялади, улар ҳаётда ўз ўринларини топиб олишига кўмак берди. Қайси бир лавозимда ишlamасин, элим, юртим, деб ёниб яшади.

Айниқса, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ёнгин хавфсизлигини таъминловчи бўлими-



да раҳбар бўлган вақтида қатор йиллар давомида ўтказилган "Ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда юқори натижа ва кўрсаткичларга эришган ҲЁХО ва ҲЁХҚлар", "Энг яхши қисм биноси", "Энг яхши диспетчерлик хонаси", "Энг яхши навбатчи смена" кўрик-танловларида фаол қатнашиб, вилоят ва республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келди. Бундан ташқари, республикада Ўта муҳим ва тоифаланган иншоотлар хавфсизлиги таъминланишини назорат қилувчи идоралараро Республика Комиссияси томонидан ўтказилган «Ўта муҳим ва тоифаланган масканларни ёнгиндан сақлаш бўйича энг илғим бўлинма» йўналишида 2012-2013 йилларда 1-ўринга сазовор бўлган.

Анвар Турдиевнинг соҳадаги хизмати, фидокорлиги муносиб қадрланиб, вазирликнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланган.

Устоз ўз ҳаёт йўлида катта из қолдирди, мактаб яратди. Бу мерос ҳали узоқ йиллар ёшларга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади, мева беради.

**Рустам РЎЗИЕВ,
Бухоро шаҳар ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари,
майор.**

ИБРОҲИМНИНГ ЮЛДУЗИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар гарчи узок умр кўришмаса-да, ўзининг касби, инсонийлиги ҳамда самимийлиги билан яқинлари хотирасидан чуқур ўрин эгаллайди. Иброҳим Мирзалиев ана шундай инсонлардан эди.

У Пискент туманидаги Чимқўрғон қишлоғидан эди. Отасидан эрта етим қолиб, турмуш қийинчиликларини бошидан кечирган Иброҳим ўн тўрт ёшиданоқ акалари ва опаларига ёрдам бериб, меҳнат қила бошлади. Болалик ва ўсмирликнинг энг ширин дамлари келажак орзу-ҳаваси, эзгу ниятлар билан ўтди. Тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб юрган кезларидаёқ унинг қалбида беғубор орзулар қанот ёза бошлаганди. Бу орада ҳарбий хизматга кетди ва ўз бурчини бажариб қайтгач, Олмалиқ шаҳридаги 4-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмига ёнғин ўчирувчи бўлиб ишга кирди.

У чиндан ҳам бу касбни астойдил севиб қолганди. Раҳбарларнинг бирор топшириқ ёки кўрсатмасини тўла адо этмай қолган эмас. Унинг учун ёнғин ўчирувчилик касби ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолганди.

– Иброҳим қисмимизда олти йил ишлади, – дейди 2-ёнғин қутқарув қисми (собиқ) йўриқчи-қутқарувчиси, сафдор Шерзод Собиров. Юз берган ёнғинни ўчиришга борганимизда бирон марта ҳам ўзини йўқотиб қўймаган, дадил ҳаракат қилиб, олов ичидан одамларни олиб чиқишда мардлик кўрсатган. Унга ўқиш, ўрганиш, машғулотларда аъло натижаларга эришишда касбдошлари яқиндан ёрдам бериб келишган. У ўз зиммасига юклаган вазифаларни сидқидилдан бажарарди. Меҳнатдан чарчамас, ўз устида ишлаш, жангвор ва касбий тайёргарлигини оширишга ҳаммиша интиларди. Сафдошларига меҳрибон ва ғамхўр бўлганлиги учун ҳам уни барча ҳурмат қиларди. Иброҳим ака ўша пайтларда ҳавас қилгулик оила бошлиғи, бир ўғил, бир қизнинг меҳрибон отаси эди.

Ёнғин ўчирувчи ҳаётида нималар бўлмайди дейсиз? Бирон хонадонга ўт тушса, аввало, унинг вужудини олов қамраб олгандай бўлади. Ана шу кезде ёнғин ўчирувчининг қалбида қандай изтироб ва ташвиш уйғонганини биргина

ўзи билади холос. У жангвор топшириқни бажариш учун дарҳол йўлга отланар экан, ёнғин бўлаётган жойга етиб боргунча минг бир хаёлга боради: уй эгалари омонмикан? Ҳеч ким олов ичида қолиб кетмадимикан? Шу сингари ўй-хаёллар кўнгил тубидан нари кетмайди.

2-ёнғин-қутқарув қисми ходимлари 2008 йилнинг 27 апрель куни, тунда йўлга чиққан пайтда сира ёддан чиқаришолмайди. Ўша онда Олмалиқ шаҳрининг Тошкент кўчасидаги хонадонлардан бирида ёнғин содир бўлганлиги ҳақида қисм диспетчерлик хизматига хабар келган ва смена бошлиғи капитан Р.Сиддиқов бошчилигидаги экипаж дарҳол йўлга чиққан. Экипаж белгиланган манзилга етиб келганида уй ичини аланга қоплаб олган, олов тили мисоли аждаҳо комидай кўкка ўралай бошлаганди. Капитан Р.Сиддиқов ёнғин ҳолатини аниқлашга киришиб, экипаж аъзоларига кўрсатмалар бера бошлади. Ёнғин ўчирувчилар чаққон ҳаракатлари билан оловни ўраб олиш чораларини кўра бошлашди. Шу пайт кўшнилardan бири уй ичида одам қолиб кетганлигини айтиб қолди. Капитан бу ҳақида қисм диспетчерлик хизматига хабар бериб, унинг тахминан 80 кв. метр том қисми ва шифти ёнаётганлигини, қўшимча экипаж ёрдами зарурлигини

айтди. Сўнг электр симлари узилди ва экипаж командири, сержант Д.Солиев, ёнғин ўчирувчилар кичик сержант И.Мирзалиев ҳамда сафдор Ғ.Раҳматуллаевлардан иборат газ-тутундан ҳимоя қилиш гуруҳини тузди-да, уларга аниқ топшириқлар берди. Тезда ичкарида, олов ичида қолиб кетган кишини қутқариб олиш лозим эди.

Гуруҳ уй ичига, тутун билан тўлган ва ҳеч нарсани илғаб бўлмайдиган хонага кириб кетди. Ана шу кезде нафақат уй эгалари жабрланганларни, балки ёнғин ўчирувчиларнинг ҳам ҳаёти қил устида бўлишини фақат бу мудҳиш ҳолисани ўз кўзи билан кўрган кишиларгина тасаввур қилишлари мумкин. Бу кезде аниқ ва эпчил, хавфсизликни таъминлаган ҳолда ҳаракатланиш лозимлигини ҳамма биларди. Аланга эса ўчакишгандай осмонга ўрлар, чарс-чурс этган товушлар тинмасди. Уй устунлари ёниб, қулаб тушаётганди.

Ёнғин ўчирувчилар ичкарилаб киргани сари аланга улар йўлини тўсиб, ҳамла қилаётганга, уларни ҳам ёндириб, куйдириб юборадиганга ўхшарди. Ниҳоят гуруҳ айтилган жойга кириб борди. Шунда Иброҳим оёқ остида беҳуш ётган жабрланувчини топди. Уни қўлтиғидан тортиб ташқарига олиб чиқишга урина бошлаганида ҳамкасблари Рўздат ва Бобомуродлар ёрдамга

ошиқишди. Улар беҳуш киши-ни эшик тарафга олиб боришаётган кезде рутубат ичра бир қичқириқ эшитилди. Иброҳим остонада йиқилганди.

Икки ёнғин ўчирувчи жабрланган уй эгаси билан Иброҳимни олов ичидан ташқарига олиб чиқишди ва уларни касалхонага юборишди.

Ёнғин пайтида ўзини эмас, ўзгалар тақдири билан куйинган ва ўзини олов исканжасига урган Иброҳим қурбон бўлди. У ўзгалар ҳаёти учун жонини аямаган эди.

Ёнғин ўчирилиб, суриштирув ишлари олиб борилганда, Иброҳимнинг нимадан қаттиқ шикастланганлиги ва унинг ҳалок бўлиш сабаблари равшанлашди. Маълум бўлишича, ёнғин чиққан хонадонга бошқа тармоқ орқали ҳам электр сими тортилган ва тармоққа уланган электр музлатгич қувват остида бўлган экан.

Эндигина йигирма саккиз баҳорни кўрган, икки нафар фарзанднинг отаси, кичик сержант Иброҳим Мирзалиев ҳаёт гўзаллигидан узоқ-узоқ йиллар баҳраманд бўлиб, келажакда орзу-умидлари ушалиши, ўғил-қизларининг тўйларини кўриши мумкин эди. Лекин у бировларнинг жонини қутқариш эвазига ўз жонини фидо қилди.

Баҳорий осмонларда юлдуз чақнайди. У 2-сонли ёнғин қутқарув қисмида фидойи хизмат қилган сафдошимиз кичик сержант Иброҳим Мирзалиевнинг юлдузи. У сўнишни билмайди. Ҳамиша порлаб, дўстлар ва оиласи йўлларини ёритиб туради.

Иброҳим Мирзалиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан вафотидан сўнг “Жасорат” билан тақдирланди.

**Алишер ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент вилояти ФВБ
ходими, сержант.**

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Дунёда илмий-техник та- раққиёт қанчалик ривожлан- масин, табиат ва инсон ўр- тасидаги айрим муаммолар, жумладан, табиий офатлар хавфи йилдан-йилга ортиб, жиддий талафотларга сабаб бўлмоқда.

Кейинги вақтларда ер кур- расида содир бўлган воқеалар: Америка, Осиё қитъаларидаги кучли zilзила ва цунамилар, Европадаги сув тошқинлари, Исландиядаги вулқон, Россия ва Туркиядаги ёнғинлар айрим табиат ҳодисалари олдида ин- сон ожизлигини бундай офат- ларга, етарли даражада тайёр эмаслигини кўрсатди.

Маълумотларга кўра, ҳар куни дунёда ўртача 200 га яқин киши табиий офат қур- бони бўлар экан. Лекин та- биий офатларни тизгинлаш, уларнинг олдини олишнинг аниқ кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ҳанузгача муаммо бў- либ қолмоқда. Асосий мақсад – сайёрада табиий офат- ларнинг хавфини камайтириш соҳасидаги глобал маданият- ни шакллантириш, табиий офатлар хавфини бартараф қилиш, уларнинг оқибатлари- ни камайтириш ва офатларга тайёргарликни оширишди.

БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш Халқаро стратегияси, Халқаро фу- қаро муҳофазаси ташкилоти ва Осиё табиий офатлар хав- фини камайтириш маркази (ADRC) бу масала билан бево- сита шуғулланди. ADRC Осиё қитъасида табиий офатлар хавфини камайтириш мақса- дидаги асосий халқаро ҳам- корлик ташкилоти сифатида 1998 йил тузилган, унга 25 та мамлакат, жумладан, Ўзбекис- тон ҳам аъзо.

Шу йиллар мобайнида та- биий офатларга бағишланган бир нечта халқаро анжуман- лар бўлиб ўтди, уларда қабул қилинган ҳужжатларда мам- лакатлар барқарор ривож- ланишидаги давлат стратегия- сининг асосий бўғини сифа- тида турли офатларнинг ол- дини олиш ва улардан келади- ган зарарни камайтириш чо- ра-тадбирларини аниқ белги-

лаб қўйиш тавсия этилди.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқи- батларини бартараф этиш стратегиясидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар юз берган тақдирда ҳам вақтида жиловлаб, салбий таъсирини камайтириш стра- тегиясига ўтилмоқда.

Ҳозир дунё мамлакатлари олимлари олдида хавфли та-

жасида офатларга қарши ҳам- корлик қилиш стратегияла- рини ишлаб чиқиш, табиий офатларнинг олдини олишга янги таълим бериш бўйича муҳим муаммолар, олдиндан огоҳлантириш тизимини ри- вожлантириш ўрин олган.

Мазкур талаблар асосида республикада ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Ўзбе- кистон ҳудудлари ҳам иқлим ва табиий-геологик шароитига

биий ва техноген жараёнлар- ни кузатиш, уларни прогноз қилиш ва олдини олишнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

2005 йил Японияда ўтка- зилган 1-Осиё мамлакатлари анжуманида қабул қилинган “Минтақада табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Хёго декларацияси”га бино- ан Осиё давлатларида 2005- 2015 йиллар оралиғида аҳоли учун табиий офатлар оқибат- ларини камайтириш йўнали- шиде ибратли ишлар амалга оширилди.

2007 йил Деҳлида ўтказил- ган табиий офатлар хавфи- ни камайтиришга қаратилган 2-Осиё мамлакатлари анжу- манида “Деҳли декларацияси” қабул қилиниб, 2015 йилгача мўлжалланган ҳаракат дасту- рини бажариш бўйича ҳамкор- ликнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди.

Дастурдан давлатлар дара-

кўра бундай офатлардан ҳоли эмас. Республиканинг кат- та қисми сейсмик фаол ҳудуд- да жойлашган бўлиб, шунинг- дек, сел, сув тошқини, ер ва қор кўчкилари билан боғлиқ табиий офатлар юз бериши эҳтимоли мавжудлиги биздан бу масалага жиддий эътибор қаратишни, доимо ҳушёр ва сергак бўлишни талаб этади.

Табиий офатлар содир бў- лиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлардаги аҳволни мунта- зам кузатиб бориш, барча би- но ва иншоотларни zilзила- бардошлиқ қоидаларига риоя қилган ҳолда қуришимиз, мав- жудларининг мустаҳкамлиги- ни оширишимиз муҳим масала ҳисобланади.

2001 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳар йили 13 октябрь “Халқаро та- биий офатлар таҳликасини камайтириш куни” деб эълон қилинган. Республикада ва мазкур кун вилоятимиз

аҳоли ва ҳудудларни, маданий бойликлар ҳамда тарихий бойликларни табиий офатлардан асраш бўйича қатор ижобий ютуқларга эришилиб келинмоқда.

Табиий офатларни бартираф этишда муҳим омиллардан саналган фуқаро муҳофазасини таъминлаш, аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш, айниқса, аёллар ва болаларни тайёрлаш аҳамиятлидир. Шундай экан, фавқулодда вазиятларнинг юз беришига, хусусан табиий офатларга тайёр туриш, улардан муҳофазаланиш қоидаларини болажонларга ёшлиқдан бошлаб ўргатиш жоиз.

Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш соҳасидаги умумжаҳон компаниясининг амалдаги шиори: "Офатлар хавфини камайтириш фаолияти мактабдан бошланади", деб номланади.

Н.КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
бўлим бошлиғи, катта
лейтенант, ФВВ Академияси
ҳузурдаги ФМИ
магистранти.

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ

Зарафшон водийси табиий географик жиҳатидан қадимдан ирригацион иншоотлар такомиллашиб борган, агроландшафтлар ривожланган, аҳолиси водий бўйлаб зич жойлашган. дарё ва сой сувлари билан яхши таъминланган жаннатмакон регион ҳисобланади.

У аҳолисининг зичлиги ва ҳудудининг ўзлаштирилганлиги жиҳатидан Фарғона водийсидан кейин иккинчи ўринда туради. Эрамиздан минг йиллар аввал инсон хўжалик фаолияти туфайли вужудга келган, антропоген воҳа ландшафтлари сифатида шаклланган суғорма деҳқончилик динамик равишда барқарор ривожланиб, Зарафшон водийси бўйлаб Панжакент, Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий, Бухоро ва Қорақўл каби воҳа ландшафтларини таркиб топишига асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Қадимдан қишлоқ ва шаҳар ландшафтларининг, айнақса, агроландшафтларнинг маркази бўлиб келган Зарафшон водийсида геоэкологик вазиятнинг вужудга келиши ва тобора кескинлашиб бориши биринчидан қишлоқ хўжалик экин майдонларига меъеридан ортиқча заҳарли минерал ўғитларни ишлатиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, геоэкологик вазиятни кескинлаштирувчи заҳарли минерал ўғитлар, пестицидлар ва нитратларнинг сув, тупроқ ва ўсимликлар таркибида тўпланиши билан боғлиқ. Заҳарли ва кимёвий бирикмалар суғориладиган тупроқ таркибида узоқ йиллар давомида сақланувчанлик, мева ва сабзавотлар таркибига сингувчанлик, инсон саломатлигига ҳар томонлама таъсир кўрсатувчанлик хусусиятига эга.

Табиатда, жумладан, Зарафшон водийсида, табиий ва антропоген воҳа ландшафтларида географик компонентлар ўзаро узвий боғланган ва бир-бирига пародинамик равишда таъсир этади. Ана шу

узвий боғлиқлик ва ўзаро таъсир этиш ҳамда модда ва энергия алмашиш жараёни оқибатида суғориладиган агротупроқларда тўпланган минерал ўғитлар, пестицидлар ва нитратлар ер ости ва ер усти сувларига, атмосфера ҳавосига, маданий ўсимликларга, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларига сингиб боради ва уларни истеъмол қилиш натижасида инсон организмига ҳам ўтади. Ҳозирги кунда жуда кенг тарқалиб бораётган гепатит, ошқазон-ичак, ўпка, астма, асаб, анемия, саратон ва бошқа касалликларнинг асосий сабаби атроф-муҳитнинг заҳарли кимёвий моддалар ва маиший-хўжалик чиқиндилари билан ифлосланиши оқибатида вужудга келган геоэкологик вазиятнинг таъсирidir. Бундай ҳолат кескинлашиб, турли хил касаллик ўчоқларининг келиб чиқишига ва кўнгилсиз фожиаларнинг содир бўлишига қулай шароит яратиб беради.

Зарафшон водийси антропоген воҳа ландшафтларининг, хусусан агроландшафтларнинг энг муҳим компонентларидан бири бўлган ички сувлари ҳам бошқа компонентлар сингари йилдан-йилга ифлосланиб, ичимлик ва суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг экологик муаммоларини вужудга келтирган. Ички сувларнинг ифлосланиши оқибатида биринчи навбатда табиий муҳит, аҳоли пунктлари ва уларда истиқомат қиладиган аҳоли зарар кўрса, иккинчи навбатда тирик организмлар, суғориладиган тупроқ, табиий ва маданий ўсимликлар зарар кўрмоқда.

Ички сувларнинг ифлос-

ланиши, уларнинг таркибида турли хил заҳарли моддалар ва микроэлементларнинг тўпланиб бориши билан боғлиқ. Сув таркибида заҳарли кимёвий бирикмаларнинг ва микроэлементларнинг катта миқдорда тўпланиши аста-секин унинг физикавий хоссаларини, кимёвий таркибини ва табиий хусусиятларини кескин ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида сув таркибида турли хил заҳарли бирикмалар пайдо бўлади, органик минерал қўшимчаларнинг миқдори ортади, кислород камаяди, фауна комплекси ниҳоят даражада камбағаллашиб, юқумли касалликлар тарқатувчи бактериялар ривожланади.

Зарафшон сувининг сифат ўзгаришига ва оғир микроэлементлар билан ифлосланишига дарёнинг юқори қисмида мавжуд бўлган Анзоб тоғ бойитиш комбинати ва Моғиён олтин қазихонаси сабаб бўлмоқда. Бу иккита тоғ-кон саноатида қазиб олинган ва бойитилган рангли металл рудалари дарёга яқин жойда ювилиб тозаланади. Рудаларни ювишда фойдаланилган ва ифлосланган лойқа сувларининг бир қисми дарёга оқиб тушади. Экологик нуқтаи назардан ифлосланган лойқа сув таркибида сурьма ва олтиндан ташқари, улар билан биргаликда учрайдиган мис, калий, симоб, қўрғошин, молибден каби металллар ҳам бор. Самарқанд давлат университетининг ўқитувчилари А.Раҳматуллаев ва Р.Мамажоновларнинг (1998) берган маълумоти бўйича сурьма аралаш рудани ювиш учун бир суткада 3400 м³ сув сарфланади. Рудаларни ювишда фойдаланилган сув микроэлементлар билан бойиб, уларнинг таркибида 3,4 – 4,0 мг/л.гача сурьма қолади. Бу кўрсаткич руҳсат этилган меъёрдан 200 марта кўп. Ана

шу оғир микроэлементлар билан ифлосланган сув тўғридан-тўғри Яғноб дарёсига қўйилиб, 1943 йилдан буён Зарафшон дарёсининг зилот сувини заҳарлаб, экологик мувозанатини бузиб келмоқда.

Зарафшон сувининг минераллашиш даражаси дарёнинг юқори оқимидан қуйи оқими томон ортиб боради. Унинг юқори оқимида минераллашиш даражаси 250-300 мг/л., ўрта оқимида, Самарқанд шаҳри яқинида 550-600 мг/л, Хатирчига яқин жойда 700-800 мг/л.ни ташкил этади.

Зарафшоннинг қуйи қисмида бу жараён янада кучайиб, Навоий атрофида 1000-1200 мг/л.дан Қоракўл воҳасида 3100 мг/л.гача кўпаяди.

Зарафшон сувининг қуйи томон фаол минераллашиб бориши билан бир вақтда агроландшафтларнинг тупроқ қоплами ҳам кучли шўрланиб бормоқда. Бу жараён Зарафшон водийсининг қуйи қисмида, жумладан, Бухоро ва Қоракўл воҳаларида ўзининг яққол ифодасини топган. Шу боисдан Қуйи Зарафшон воҳаларида геоэкологик вазият тонглик ҳолатга келиб, инсон саломатлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Зарафшон водийси воҳаларида антропоген омил таъсирида геоэкологик вазиятларнинг вужудга келиши ва йил сайин кескинлашиб бориши аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг кўпайиб кетишига олиб келди. Аҳоли ўртасида касалланиш даражасининг йилдан-йилга ортиб бориши водий бўйлаб жойлашган Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудида кўзга яққол ташланади. Ўзбекистон Республикаси статистика департаменти маълумотига кўра, Самарқанд вилоятида аҳолининг касалланиш даражаси ҳар 100 минг кишида 2000 йилда 24664,0 нафарни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 41045,9 тага етган.

Навоий вилоятида эса 2000 йилда 48306,3 нафарга етган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 70444,5 тадан ошган. Бухоро вилоятида ҳам аҳолининг касалланиш даражаси 2000

йилда 45188,0 атрофида бўлган, 2004 йилга келиб 61369,1 кишига етган. Н.Комилова ва А.Солиев (2005) саноат объектлари зич жойлашган Бухоро, Ёждувон ва Қоракўл шаҳарларини тиббий географик жиҳатдан баҳолаб, мазкур шаҳар ландшафтлари ҳудудида қон ҳосил қилиш, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари билан боғлиқ хасталикларнинг кўпайганлигини аниқлаган.

Зарафшон водийси воҳа ландшафтларининг комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, ис газлари билан ифлосланган атмосфера ҳавосидан нафас олиш, нитратлар ва пестицидлар билан заҳарланган тупроқда етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилиш, заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланган сувдан фойдаланиш, саноат корхоналаридан чиқаётган заҳарли чиқинди ва радиацияли техноген чиқиндилар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Зарафшон водийси воҳа геосистемаларини, шаҳар ва қишлоқ ландшафтларини, агроландшафтларни ва уларнинг компонентларини ҳамда атроф-муҳитнинг геоэкологик шароитини соғломлаштириш учун ландшафт-экологик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Антропоген ландшафтшунослик ютуқларидан фойдаланиб, геоэкологик вазиятни вужудга келтирувчи ва кескинлаштирувчи механизмларни таҳлил қилиб, илмий жиҳатдан асосланган оптималлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш зарур. Шундагина экологик тангликлар, фожиаларнинг олдини олиш ва геоэкологик вазиятларни оптималлаштириш имконияти яратилади.

Н.КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
бўлим бошлиғи, ФВВ
Академияси ҳузуридаги
ФМИ биринчи босқич
магистранти, катта
лейтенант.

ЗИЛЗИЛА СОДИР БЎЛГАНДА ВА

Ўзбекистон худудининг 70-80 фоизи сейсмик фаол зонада жойлашган бўлиб, бундай хавфли худудларда истиқомат қиладиган фуқаро зилзила табиатини, унинг намоён бўлиш ва тарқалиш қонуниятларини билиши, унинг талафотларини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш кўникмасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги "Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари асосида мамлакатимизда истиқомат қиладиган фуқароларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Мазкур қарорлар талабларидан келиб чиққан ҳолда зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг қандай ҳаракат қилишни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Зилзила вақтида

Таъкидлаш керакки, кучли зилзила пайтида қандай ҳолатлар юз беришини олдиндан тасаввур қилиш жуда қийин ва унга ҳар биримизни тайёргарлик кўришимиз асосий ҳаёт вазифаларимиздан биридир. Зилзила рўй берганда ер бир неча сониядан бир неча дақиқачага силкинади.


Тебраниш вақти зилзила гипоцентри ёки эпицентригача бўлган масофага боғлиқ. Зилзила ўчоғи қанчалик яқин

бўлса, у шунча қисқа вақтда ва юқори частотада сезилади. Зилзила ўчоғигача бўлган масофа ортган сари у шунчалик узоқ вақт ва пастроқ частотада сезилади.

Зилзила вақтида бажариладиган ҳаракатларнинг энг муҳими – қўрқув ва ваҳимага тушмаслик. Бино силкинишини сезиб, хонадонни тезроқ тарк этиш лозим. Шунини эсдан

лар ва деворлардан узоқлашиш лозим. Узилган ҳамда ерда ётган симлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Жамоат транспортида бўлганда – автобус, троллейбус, трамвай ҳайдовчиси транспорт воситасини тўхтатиб эшикларни очгунга қадар турган жойда қолиш талаб этилади. Деразаларни синдириш ёки эшикларга чопиш мумкин



чиқармаслик керакки, сезилган биринчи силкиниш ва бино учун хавфли силкинишлар орасида 15-20 сония вақт бор.

Агар бинони тезда тарк этишнинг имкони бўлмаса (масалан, хонадон юқори қаватда жойлашган), ичкаридан хавфсиз жойни эгаллаш талаб этилади, асосий деворнинг эшик ўрни (жойи), асосий девор ташкил этган бурчак хавфсиз жойлар ҳисобланади. Эшикни зина томонга очиб эшик ўрнида туриш; маҳкам стол ёки ётоқ тагига кириб бошни қўл билан ёпиш (мактабларда парталар остида яшириниш яхшироқ). Тебранишлар тўхтагандан сўнг дарҳол кўчага чиқиш лозим. Эшикдан чиққунча ва юқори қаватлар зинасидан тушгунча эътиборли бўлиш талаб этилади, зиналар бузилган бўлиши мумкин.

Агар кўчада бўлганда ер ости силкинишлари юз берса, дарҳол бинолардан, электр сим тармоқларидан, симёғоч-

эмас, бу билан ваҳима ва жароҳатланиш эҳтимолини пайдо қилиш мумкин.

Зилзила пайтида қуйидагиларни бажариш керак:

1. Ваҳимага тушмасдан ўзини осойишта тутиш ва бошқаларга ўрнак кўрсатиш, ёрдам беришни режалаштириш.

2. Бир қаватли бино ичидан чиқишни чаққонлик билан, атрофдаги хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолда бажариш лозим.

3. Кўп қаватли бинолардан ташқарига югуриб чиқишга интилмаслик лозим. Юқоридан тушаётган буюмлар хавфли ҳисобланади. Зилзила тўхтагунча бино ичида хавфсиз жойни эгаллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Кўп қаватли бинода зиналарга югуриб чиқмаслик ва лифтга кирмаслик керак.

5. Электр ўчиб қолиши, ёнғин хавфсизлиги сигналлари, қўриқлаш қўнғироқларининг овози, синаётган идиш

УНДАН СЎНГГИ ҲАРАКАТЛАР

товушлари, ёғоч ғичирлаши, йиқиляётган турли буюмлар товушларидан ваҳимага тушмаслик учун руҳий тайёр бўлиш керак.

6. Ташқарида турган пайтда тезликда бино ва электр симларидан холи бўлган очик жойга чиқиб олиш лозим.

7. Машинада бўлганда бино ва электр симлари, кўприк, турли қувурлардан четроққа чиқиб, машинани тўхтатиб, зилзила тўхташини кутиб туриш лозим.

Зилзиладан кейин:

1. Ҳар бир киши осойишталикни сақлаган ҳолда, энг аввало, зилзиладан шикастланганларга тез ёрдам кўрсатиши, қаттиқ қўрққан, қарахт ҳолатга тушиб қолган одамларни тинчлантириши, ёнгин хавфини бартараф этиши, зилзила зарарларини аниқлаши ва уни бартараф этиш ишларини бошлаши керак.

2. Газ тармоғи, сув қувурлари, электр симларини диққат билан текшириб чиқиш керак. Газнинг озгина бўлса ҳам чиқаётгани сезилса, тезликда ўчириш керак. Гугурт ёқиб ёки шам ёрдамида газни текширишга уриниш хавфли, портлаб кетиши мумкин. Газ чиқаётганлигини ҳидига қараб аниқлаш мумкин. Электр симларининг бутунлигига шубҳа бўлганда, таъминотни тезликда ўчириш лозим. Агар қувурлардан сув чиқаётганлиги аниқланса, уни ҳам ташқаридан ўчириш лозим. Ҳамма авария ҳолатлари ҳақида керакли газ, сув, электр тармоқлари хизматига хабар қилиш, телефонни кўп банд қилмаслик талаб этилади.

3. Кўчадаги ёки шаҳардаги турли талафотлар билан танишишга шошилмаслик, кўчаларни банд қилмаслик лозим. Агар шошилиш ёрдамга муҳтожлар бўлмаса хавфли иморатлар ичига кирмаслик, ҳаттоки яқинига ҳам бормаслик талаб этилади. Янги силкинишлар рўй бериши мумкинлигини унутмаслик лозим. Агар шундай иморат ичига кириш зарур бўлса, ниҳоятда

эҳтиёт бўлиш керак. Иморатнинг айрим жойлари тўсатдан кўчиб тушиши, газ чиқаётган, очик электр симлари очилиб қолган, шиша синик парчалари ва бошқалар бўлиши мумкин.

4. Чиқинди қувурларига зарар етмаганига ишонч ҳосил қилмагунча ҳожатхоналардан фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ.

5. Мустаҳкам, пишиқ ва бутун оёқ кийимларидан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда шиша синиклари, ўткир предметлар оёқни кесиб юбориши мумкин.

6. Турли кимёвий моддалар, бензин ҳидини сезганда, бу ҳақда керакли хизматларга хабар бериш лозим.

7. Қўл телефонларига жўнатиладиган СМС хабарлар, радиодан зилзила ҳақидаги маълумотларни ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш ҳақидаги кўрсатмаларни тинглаш ва уларга риоя қилиш лозим.

8. Яна янги ер силкинишлари (афтершоқлар) рўй бериши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Биринчи ер силкинишида омонат бўлиб қолган бинолар ёки уларнинг айрим қисмлари кейинги ер силкинишларида қулаб тушиши мумкин.

9. Электр узилган, музлаткичлар ишламай қолган тақдирда, биринчи навбатда тез айнийдиган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш лозим.

Айнимайдиغان озиқ-овқатларни тежамкорлик билан ишлатиш мақсадга мувофиқ. Кучли зилзила бўлган жойларда бир неча кун таъминот танқислиги бўлиши мумкин.

10. Печкалар, мўриларга шикаст етмаганлигини текшириб кўриш лозим. Агар ёриқлар бўлса, улардан фойдаланмаган маъқул.

11. Оғир буюмлар қулаб тушиши мумкинлигини инobatга олган ҳолда эшик-деразалар, мебелларнинг эшикчаларини эҳтиёткорлик билан очиш лозим.

12. Одамларни қутқараётган, зилзила оқибатларини

бартараф этаётган милиция ходимлари, ёнгин қутқарувчилар, соғлиқни сақлаш хизматчилари ва бошқаларга қўлдан келганча ёрдам бериш, ҳар хил миш-мишлар ва овозаларни тарқатмаслик лозим.

Зилзиладан муҳофазалаш чора-тадбирларига зилзила вақтида ва ундан сўнг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам киради. Куйида биринчи тиббий ёрдаш бериш тартиби келтирилган.

1. Ходиса жойини кўздан кечириш.

2. Зилзилада малакали биринчи тиббий ёрдамга қадар кўрсатилиши зарур бўлган ўзаро ёки ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш.

3. Шикастланганларга руҳий (психологик) ёрдам кўрсатиш.

4. Шикастланганларнинг ҳаётий муҳим кўрсаткичларини аниқлаш (пульс ва нафас олиш ҳаракатлари).

5. Шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш (қон кетишини тўхтатиш, суяк синишида ҳаракатни чекловчи боғлам қўйиш).

6. Зилзила оқибатида вайроналар тагида қолган кишиларга ёрдам кўрсатишда иштирок этиш.

**Алибек БАННАЕВ,
Наманган вилояти ФВБ
ҲФХЎМ ўқитувчиси.**

ТАРБИЯЛАНУВЧИНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Муомала ва мулоқот инсон учун энг зарур бўлган, инсон эҳтиёжини қондирадиган восита ҳисобланади. Муомаланинг асосида эса эҳтиёж ётади. Муомала орқали ҳар бир шахс ўзи мақсадига эришади. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган воситалардан бири, бу унинг тилидир. Тилнинг вазифаси муомала ва ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш. Тил муомалани тартибга соладиган энг олий восита ҳисобланади. Муомала мулоқотга қараганда кенг тушунча, шунинг учун ҳам муомаланинг асосини мулоқот ташкил этади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида, айниқса, муомала маданиятини ва тўғри мулоқот олиб боришни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Муомала ва мулоқот орқали шахслар бир-бирлари билан ахборот алмашади, бир-бирига таъсир кўрсатиш орқали тарбиялайди, таълим беради, тажриба алмашади. Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг зарурий муҳим жиҳатидир. Айнан мулоқот жараёнида ва мулоқот орқали инсоннинг асл мақсади, унинг моҳияти намоён бўлади, ўзаро тушунмовчиликлар ҳал бўлади, мақсадга эришилади. Мулоқот ёки коммуникация Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ўзаро ҳамкорлик шаклларида бири бўлиб, у орқали ҳар қандай ижтимоий муаммолар чигаллашади ёки ҳал бўлади. Тил орқали муомалага киришиш ижтимоий заруратдир. Мулоқот орқали бошқа бир инсонни тинглаш, тарбияланувчини ўзига мойил қилиш қобилияти юзага келиши мумкин. Инсон бор экан, муомалада бўлади, унинг муомаласи расмий, норасмий, мақсадли, мақсадсиз, ролли, ролсиз, бевосита мулоқот ва билвосита мулоқот турларига бўлинади. Ушбу муомала, мулоқот турлари уларнинг муомаласини моҳиятини очиб

беради. Муомала ва мулоқот ҳар қандай инсоннинг зарурий, муҳим жиҳатидир. Мулоқот тарбияланувчилар учун табиий эҳтиёждир. Мулоқот орқали тарбияланувчилар ўз эҳтиёжларини қондирадилар бир-бирини тушунадилар ёки зиддиятлар юзага келади. Мулоқот ҳар бир касб эгаси учун зарур восита ҳисобланади. Жумладан, педагогнинг қуроли доска, бўр, компьютер, қоғоз, ручка, қалам, ўчириғич, турли слайдлар бўлиши билан бирга, тил ҳам бош восита, яъни муомала воситаси ҳисобланади, тил орқали дарс жараёни учун зарур бўлган воситалар бирлаштирилади, умумлаштирилади.

Мулоқот соҳасида фаолият олиб борувчи мутахассислар ушбу жараён самарадорлигини оширишга имкон берадиган энг муҳим хислатлардан бири (тарбияланувчиларга ўргата олиш, уларни тинглай олиш) таъсир эта олиш деб ҳисоблашади. Педагог ҳар бир ўқувчини тинглай олиши орқали уларни дарс жараёнига қизиқтира олади. Энг асосийси ушбу қизиқтириш асосан муомала воситасига қурилган бўлади. Бу эса психологик муомала ўрнатишни енгиллаштиради. Тарбияланувчи педагогга мурожаат қилиш орқали уни эшитишни, тушунишни истайди, акс ҳолда унда муаммо пайдо бўлиши мумкин ёки муомала қилишни хоҳламай қолади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бўладиган муомала, мулоқот психологик таъсирга асосланган бўлмаслиги керак, чунки психологик таъсир ўқувчилардаги янги ғоялар, фикрларнинг йўқ бўлишига олиб келади.

Тарбияланувчилар билан бўладиган мулоқот ўзига хос психологик, педагогик тузилишга эга. Улар билан бўладиган мулоқот мажбурий характерга эга эмас, мулоқот бир-бирини тушунишга асос-

ланган бўлиши талаб этилади, бир-бирига нисбатан бўлган ишонч янги ғояларни қарашларни юзага келтиради.

Меҳрибонлик уйларидаги ўқувчилар билан педагогнинг, тарбиячининг мулоқотида умумфикрлаш, тарбиядаги мақсад ва вазифаларда уйғунлик бўлиши талаб этилади. Тарбияланувчи билан педагог мулоқотининг коммуникатив томонлари – ўзаро муносабат жараёнида педагог ва тарбияланувчи ўртасида нафақат дарсдаги мавзунинг мазмуни ҳақида ахборот алмашилади, шунингдек, ўқувчини дунёқарашини кенгайтириш, шакллантириш учун йўналтирилган барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мулоқотнинг перцептив томони тарбияланувчи билан педагогнинг бир-бирини тушунишидир. Меҳрибонлик уйлари ўқувчиларига ҳар қандай маълумотлар, ахборот нафақат сўзлар, яъни нутқ орқали берилади, шунингдек, имо-ишора, белгилар тизими орқали етказилади. Мулоқот нутқий ва нутқсиз воситаларга ажратилади ва ишлатилади. Нутқий мулоқот – универсал алоқа воситаси ҳисобланади. Чунки нутқ ёрдамида ахборот бериш чоғида ўқувчиларга берилаётган ахборотнинг мазмуни минимал даражада йўқолади, бошқачароқ айтганда, маълумотлар максимал даражада ўқувчиларга етказиб берилади. Нутқ эса вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёнидир. Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат педагогик фаолият тизимида алоқадор бўлган шароитдагина эмас, барча фаолиятда аҳамиятга эга бўлади, барча фаолиятга алоқадорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади. Новербал хатти-ҳаракатлар педагогнинг, тарбияланувчининг – мулоқот жараёнида динамик ифода-

си ҳисобланади. Новербал хатти-ҳаракатлар жамиятда шаклланган, тарбияланувчиларнинг руҳий ҳолатини ифодалайдиган ҳаракатлар ҳисобланади. Уларга қараб биз бирор-бир воқеа, ҳодисага, нарсага нисбатан муносабат ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора, мимика ва пантомимикалар тарбияланувчиларнинг ички дунёси, уларнинг истаклари, характер ва темперамент хусусиятларини очиб беради.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳли вокаллаштириш тизимини овоз сифати, унинг диапозони, оҳангдошлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборот аҳамиятини оширади ва нутқга қўшилган ўзига хос "қўшимча" вазифасини бажаради.

Психологик алоқа ўрнатиш орқали тарбияланувчилар мулоқотининг ривожланиши ушбу жараённинг бир қисми ҳисобланади ва бунда қуйидаги босқичларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

– тарбияланувчилар билан бўладиган бўлғуси мулоқотни башорат қилиш;

– тарбияланувчилар билан муомала ўрнатишни осонлаштирувчи ташқи шароитни яратиш;

– умумий ва нейтрал қизиқишларни излаш;

– мулоқотдаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар;

– якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали таъсир этиш.

Тарбияланувчилар билан бўладиган мулоқот жараёнида психологик алоқа ўрнатиш мулоқотнинг керакли йўналишида ривожлантириш ва керакли мақсадга эришишни таъминловчи шароитларни яратишга қаратилган фаолиятдир.

Тарбияланувчилар билан бўладиган тарбияда асосан иккита катта фигура мавжуд булар объект ва субъект. Тарбияда объект доимо тарбияга берилувчи, яъни тарбияланувчи шахс – ўқувчилар ҳисобланади. Субъект эса тарбияловчи, ўқитувчи шахс ҳисобланади. Ушбу объект билан субъектнинг тарбия фаолиятидаги фарқи шундаки, субъектнинг имкониятлари объектга нисбатан кўпроқ ҳисобланади. Яъ-

ни, имконият деганда, аввало, субъектнинг маълумоти, дунёқараши, ёши, тажрибаси, малакаси, кўникмаси назарда тутилади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан тўғри мулоқот олиб боришнинг бошқа мактаб ўқувчиларидан фарқи шундаки, мактабда мулоқот маълум бир соатга мўлжалланган бўлади ва ундан кейин ўқувчилар уйларига боришади, кўчада эркин кетишади, китоб магазинларига, интернет клубларига кириши, савдо дўконларини айланиши мумкин, уйларига келгандан кейин ухлашлари, дам олишлари, меҳмонга боришлари мумкин.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилар фаолияти кун тартиби бўйича олиб борилади, кун тартиби тарбиянинг боши ҳисобланади. Кун тартиби ўқувчиларини доимо интизомга риоя қилишга мажбур этади. Ҳар қандай тарбиянинг боши ижобий мулоқотга асосланиши керак. Мулоқотдаги ижобийлик – бу илиқлик демакдир, яхши гап ҳаммага ёқади, агар у ҳақиқатга асосланган бўлса.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан тўғри алоқа ўрнатиш, бу – кун тартибига асосланган ҳолатда ва муомала маданияти талаблари асосидаги муомаладир. Тўғри алоқа ўрнатиш асосан субъектга боғлиқлиги илмий жиҳатдан тўғри, лекин кўп ҳолатларда объектга (тарбияланувчи шахсга) ҳам бевосита боғлиқ.

Тарбияланувчига кўп ҳолатларда муҳитнинг таъсири бошқача бўлади, чунки муҳит онгни белгилайди. Муҳит қанча яхши бўлшидан қатъи назар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўпчилигини "нима учун айнан менинг ота-онам йўқ?" ёки "нима учун мени Меҳрибонлик уйига ташлаб кетишган?" – деган савол доимо қийнаб келади. Мана шу саволларга тўғри жавоб бериш учун мулоқот тўғри йўлга қўйилади, ушбу масалага ёлғон аралашини керак эмас, чунки тарбияланувчилар орасида ҳеч қачон ёлғон гап ётмайди, ёлғон, албатта, юзага чиқишини ҳар бир тарбиячи билиши шарт. Тарбияланувчилардаги ушбу ўқсик савол доимо улар

юрагининг бир четида туради. Қачон ушбу ўқсик йўқолади? Қачонки уларнинг ўзлари ота-она бўлишганларидан кейин.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан бўладиган муомалада уларга "Сиз" деб мурожат қилинади. Муомалада тарбиячи билан тарбияланувчининг ўзаро бир-бирини тушуниши, умумий ва мос келадиган қизиқишларга эга бўлиши, тўғри мулоқотни бузиб қўювчи омиллардан эҳтиёт бўлиши, якка тартибда суҳбатни тўғри йўлга қўя олиш ва суҳбатдошнинг ижобий фикрларини ривожлантиришга ёрдам бериши, мулоқотда умумий бир-бирига мос келадиган қоидаларни яратиши ва ўзаро мулоқотни ишончлилика қуришидан иборат.

Тарбияланувчилар орасида турли темпераментдаги ўқувчилар мавжуд бўлиб, улар асосан экстрове́рт (ташқи) ва интроверт (ички) таъсирларга тез берилувчилар тоифасига бўлинади. Ушбу тоифадаги ўқувчилар билан мулоқот қилинганда, албатта, интроверт тоифадагилар билан бўладиган мулоқотга эҳтиёт бўлиш керак бўлади. Чунки "интроверт"га хос бўлган хусусиятларга ёлғизликни яхши кўриш, ўзини бошқалардан олиб қочиш юриш хосдир. "Интроверт" тоифадаги ўқувчилар очик мулоқотни кўп хуш кўришмайди, чунки улардаги ичкарига йўналганлик бошқа шахсларга қўшилишларига йўл қўймайди, бундай ўқувчилар криминал содир қилмаслиги мумкин, лекин баъзида улардан бундай хатти-ҳаракатларни кузатишимиз мумкин.

Меҳрибонлик уйларида олинган тўғри тарбия ҳам, салбий тарбия уларда бир умрга қолиши мумкин. Агар улар ҳаётларида яхши жуфтларини топиб, турмуш қуришса, шундагина тарбиясида, ҳаётида ижобийлик бўлади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида давлат ғамхўрлиги, эътибори доимо ёдида туришига, Ватанига муҳаббати, ватанпарварлик ҳисси юқори бўлишига олиб келади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини тўғри тарбиялаш асосан касб-ҳунарни тўғри

танлаш, олий ўқув юртларида, техникумларда яхши касбларни эгаллашларига ёрдам бериш орқали амалга оширилади.

Мулоқотнинг информации вазифаси ахборотни қабул қилиш ва уни тарқатишдир. Регулятив вазифаси – мулоқотни тартибга солиш ва бошқалар билан тўғри муносабатни ташкил қилишдан иборат. Информацион вазифа ёрдамида муҳим аҳамиятга эга воқеалар, ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қиламиз. Назорат вазифаси ёрдамида ахборотни қабул қилиш ва тарқатиш жараёни назорат қилинади.

Мулоқот воситаларини санаб адоғига ета олмаймиз, масалан, бизга энг асосийси нутқ, ёзма нутқ, имо-ишора, мимика, пантомимика ва ҳоказолар. Коммуникатив таъсир этиш бу – барча воситалардан тўлиқ фойдаланиш демакдир. Коммуникатив “коммуникация” сўзидан олинган бўлиб кенг қамровли маънода тушунилади. Мулоқот ва коммуникативлик тарбияланувчилар ўзаро ҳамкорлиги шаклларида бири ҳисобланади. Мулоқотнинг ўзи тарбияланувчилар тарбияси ва бошқа субъектлар билан воқеликни акс эттириши натижасини ифодаловчи маълумотлар алмашиш жараёни бўлиб, улар ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ҳамда индивидуал ва ижтимоий онг шаклланиши ва амал қилиниши воситасидир. Тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида мақсадли ҳамкорликни ташкил этиш, тажриба алмашиш, ўқиш ва турмуш кўникмаларини олиш, маънавий эҳтиёжларни намоён этиш мулоқот ёрдамида юз беради.

Муомаланинг яна бир воситаси оғзаки нутқ бўлиб, ушбу нутқ ҳам иккига бўлинади: диалогик ва монологик нутқ. Диалогик нутқ – сўзловчиларнинг баробар, тенг, биргаликда фаоллик кўрсатишидир. Монологик нутқ ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалашдир. Педагогнинг нутқи бевосита бир мақсадга йўналтирилади. Оғзаки нутқ

ёзма нутққа қараганда кенг қамровли бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

а) оғзаки нутқда вилоятлардаги шевачиликнинг таъсири кучли бўлади;

б) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади;

в) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, тартиби мавжуд;

г) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим роль ўйнайди;

д) оғзаки нутқнинг юзга чиқиши сўзловчининг кайфиятига, сўзловчининг вазиятга эътибори, унинг нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ;

е) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини англаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади.

ж) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса сифатида чексиз ва сон-саноксиз индивидуал фаолият бўлиб, унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва билмаган ҳолда беиз йўқолиб кетади.

и) лектор сўзлаганда ўз нутқига ёзгандаги каби етарли эътибор беравермайди.

Муомаладан ташқари инсоннинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим ҳисобланади, масалан, муносабатлар кўзғалади, шахс турли ҳиссиётлардан ўзини тийиши мумкин. Ўзидаги меҳр-муҳаббат, ғазаб, қўрқув, нафрат, кибр каби психик ҳолатларни юзидаги мимикаларида ихтиёрий равишда ёки беихтиёр ифодалайди.

Ўқувчиларнинг қиёфасидаги физиологик ўзгаришларга қараб унда устунлик қилаётган фикр, ҳис-туйғулар, муносабатлар ҳақида, қизларда эса косметика, кийим-кечак, пойабзалга қараб маълум бир фикрга келиш мумкин.

Психологик алоқа мулоқот турларининг амалда кенг татбиқ қилиниши бўлиб, ушбу жараён ўқувчиларнинг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан муомала маданияти алоҳида ва индивидуал ёндашишни талаб

этадиган жараён ҳисобланади. Ҳар қандай мулоқотнинг асосини таълим-тарбия ташкил этади, чунки мақсадсиз мулоқотнинг ўзи бўлмайди, шунинг учун ҳам мулоқот орқали Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини комплекс равишда тарбиялаш давр талабидир.

Меҳрибонлик уйлари республикада 16 та бўлиб, 2021 йил 28 июлда давлатимиз раҳбари ўтказилган видеоселекторда ушбу меҳрибонлик уйлари халқ таълими тизимидан чиқариб, Миллий гвардия тақибига бериш ва Меҳрибонлик уйларида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларини тайинлаш кераклигини айтиб ўтди. Ушбу Меҳрибонлик уйларида ташқари яна 4 та болалар шаҳарчалари ҳам таълим тизимидан чиқарилди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини миллатидан, динидан қатъи назар юртига хизмат қиладиган, халқини севадиган, ватанпарвар қилиб тарбиялаш давлатимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Р.МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори.

Б.КАРИМОВА,
университет психологи.

ФИДОЙИ ГЕНЕРАЛ ЭДИ

1947 йилнинг август ойи. Чилла чиқишига бир кун қолганда Хидирали ва Орзухон Қурбоналиевлар оиласида ўғил дунёга келди. Унга келажакда комил инсон бўлиб улғайсин, деб яхши ниятлар билан Комилжон деб исм қўйишди. Хидирали ака Тошкент вилоятининг энг сўлим гўшаларидан бири собиқ Орджоникидзе, ҳозирги Тошкент туманининг академик Р.Шредер номли Боғдорчилик ва узумчилик илмий текшириш институти ҳудудида истиқомат қилар эди. Тақдири азал экан, Комилжон қирқ кунлик бўлганида бешафқат ўлим отаси Хидирали акани ҳаётдан олиб кетди. Тўсатдан оғир хасталикка учраган Хидирали ака ўлими олди-дан рафиқаси Орзухон аяга: “Комилжонни, албатта, ўқитгин, ўқиган одам халқимиз корига ярайдиган инсон бўлади”, – дейди. Бу сўзларни васият ўрнида қабул қилган Орзухон ая Комилжонни катта қилди, вояга етказди. Ўша вақтлар урушдан кейинги оғир тикланиш йиллари эди. Ҳамма эълитбор урушда оккупация қилинган ҳудудларга қаратилган, Ўзбекистон Марказга хом ашё етказиб берувчи бир ўлка эди. Ҳар қадамда йўқсиллик ва қашшоқлик ҳукмрон эди. Рўзгор тебратиш ва кун кўриш жуда қийин эди. Лекин шунга қарамасдан, Комилжон ёшлигидан тиришқоқ бўлиб, аввал мактабни аъло баҳоларга битирди, олий маълумотга бўлган қизиқиш уни Тошкент давлат университетининг геология факультетига ўқишга етаклади. Бунда унга ўз маслаҳатлари билан мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган кичик амакиси Муҳаммаджон ака Курбонов ёрдам берди. ТошДУда ўқиш даврида у ўзининг бўлажак умр йўлдоши Маъсудани учратди. Маъсуда билан турмуш қурган Комилжон уч нафар фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Булар Гўзал, Дилноза ва Валижон бўлиб, ҳам-

масини олий маълумотли қилди. Ўғли Валижон отасининг изидан бориб, ИИБ Академиясини битирди. Ҳозирги кунда Транспортдаги ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда, унвони полковник. 1972 йилда ўқишни тугатган Комилжон ҳеч иккиланмай, университетнинг йўлланмаси билан Ички ишлар идораларига ишга кирди. У ёшлигидан бу касбга қизиқар эди, чунки катта амакиси Имомали Қурбоналиев республика Жазони ижро этиш бошқармасида ишлар ва унвони полковник эди. Аввал хизматни жазони ижро этиш муассасаларида муҳандис бўлиб бошлади, кейинчалик тезкор аппаратда турли лавозимларда ишлади. Қаерда бўлмасин у меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва камтарлиги билан ажралиб турди. Касбий маҳоратини ошириш учун у собиқ Иттифоқ ИИБ Тошкент Олий мактабида ҳам сиртдан ўқиди. Кейинчалик Комилжон жазони ижро этиш тизимидан Тошкент шаҳар Ички ишлар идоралари тизимига ўтиб, турли лавозимларда ишлади. Ҳозирги Яккасарой (собиқ Фрунзе) туманида ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ҳозирги Шайхонтоҳур (собиқ Октябрь) тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди. Комилжон акани қўл остидаги шахсий таркиб ходимни тинглай олиши учун ҳам кадрлашарди. Мана шу ўша вақтдаги аксарият раҳбарларда етишмайдиган фазилат эди. Сўнгра у ИИБ ЖКБда самарали меҳнат қилди. Аввал катта тезкор вакил, ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакил, шунингдек, бўлим ва бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлади. 1996 йил уни Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи лавозимига тайинлашди. У вақт Фарғонада жуда криминоген вазият мураккаб ҳолатда, аҳвол оғир эди. Бу ерда Комилжон аканинг ҳақиқий раҳбарлик истеъдоди очилди. Фарғоналиклар бизнинг омадимиз бор экан,

бизга мана шундай яхши инсонни раҳбар қилиб юборишди, деб хурсанд бўлишганди. Табиатан камсуқум ва одамона бўлган Комилжон ака тезда фарғоналиклар билан тил топишиб, хизматни шундай йўлга қўйдик, одамни ҳаваси келарди. Оддий ходимдан то бошқарма бошлиғигача фидойиларча хизмат қилишарди. Комилжон ака ўша вақтдаги Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов маслаҳати ва тавсиясига кўра, мамлакатимизда биринчи бўлиб, Фарғона вилояти ИИБ эксперт-криминалистика хизматида компьютер бармоқ изи базасини яратди. Бу янгилик содир этилган жинойтларни фош этишда асосий омил бўлиб хизмат қилди. 1998 йилнинг ёз ойида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг қайноталари Акбар ота вафот этиши муносабати билан у киши вилоятга ташриф буюради. Жаноза маросимида биринчи раҳбарнинг қатнашиши ва унинг хавфсизлигини таъминлаш муайян вазифаларни бажаришни тақозо этади. Комилжон ака хизматни шундай ташкил этадики, бу биринчи раҳбарнинг эътиборидан четда қолмайди. Тошкентга учиб кетиш олдиан Президент Комилжон акани аэропорт биносига чақиртириб, анча суҳбатлашади. Суҳбат сўнгида Президент: “Комилжон, сиз иморат қураётган экан-

сиз, баъзи қўштирноқ ичидаги дўстларингиз бизга хабар беришди”, – дейди. Суҳбатни бу йўсинда яқунланиши Комилжон акани саросимага солиб қўяди. “Ҳа, кичкина уй қураётувдим”, – деб жавоб беради. “Бир қават экан, лекин мен икки қаватли бўлишини маслаҳат бераман. Яқинда сиз катта лавозимга ўтасиз, сизнинг уйингизга чет эллик меҳмонлар ҳам боради, уялиб қолмаслигингиз керак”, – деб вазиятни юмшатади Биринчи Президент. 1998-1999 йилларда Тошкент шаҳар ИИБДа, сўнгра 1999-2001 йилларда Тошкент вилояти ИИБда раҳбарлик қилди. Бир

генерал, йигитларга индаманг, улар бунга муносиб!”, – деган экан. Комилжон аканинг энг олийжаноб фазилати суҳбатдошини охиригача тинглаб, хулоса чиқарарди. Мураккаб вазиятларда ходимларга ёрдамга шошилар эди. 1999 йилнинг май ойида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани биринчи Гулистон маҳалласи ҳудудида 35 яшар йигитнинг пичоқланган жасади топилди. Мазкур жиноятни содир этишда гумон қилинувчи шахс ушланган-ку, аммо қотиллик қуроли топилмаган. Тезкор ходимларнинг ўткир тигни топишга бўлган барча уринишлари зое кетди. Воқеа

23 июлида оғир хасталиқдан сўнг генерал-майор Комилжон Хидиралиев бу ёруғ оламни тарк этди. Унинг ёрқин хотираси минглаб шогирдлари ва сафдошлари қалбида мангу яшайди.

**Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори,
истеъфодаги подполковник.**

муддат ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида, кейинчалик, 2002 йилдан 2005 йилнинг апрель ойига қадар Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. Мана шу лавозимларда ишлаш асносида Комилжон ака ҳеч вақт шахсий таркибнинг муаммолари, хоҳиш-истаги ва манфаатларини унутмади. Мамлакатимизга суқулиб кириб олган бир гуруҳ террорчиларни йўқ қилиш амалиёти вақтида иштирок этган ходимлар ихтиёрига катта раҳбарларга мўлжалланган саунани бериб қўйди. Уларни у ердан ҳайдаб чиққан бир генерални тартибга чақириб: “Йигитлар бундан ҳам ортиғига лойиқ, улар ўлимга тик боқиб, душманни яқсон қилдилар. Ўртоқ

жойига келган генерал-майор Комилжон Хидиралиев гап нимада эканлигини тушуниб, ходимларга бир пичоқ оғирлигидаги тошни олиб отишни буюрди. Тош тушган жойдан айланасига далилий ашёни қидиришни буюрди. Ходимлар зудлик билан генералнинг буйруғини бажаришди ва қотиллик қуроли бўлган ошхона пичоғи тезда топилди. Пичоқнинг сопидан гумондорнинг бармоқ излари аниқланди ва қотиллик жинояти фош этилди. 2005 йилнинг апрель ойидан бошлаб генерал-майор Комилжон Хидиралиев саломатлиги туфайли нафақага чиқди. Ҳукуматимиз генерал-майор Комилжон Хидиралиевнинг кўп йиллик самарали меҳнатини муносиб баҳолади. У ҳукуматнинг бир неча орден ва медаллари билан тақдирланди. 2020 йилнинг

АВТОМАТИК ЁНҒИН ЎЧИРИШ ҚУРИЛМАЛАРИ

Одамларнинг ҳаёти, мол-мулкининг хавфсизлиги ва ёнғиндан кейин корхона фаолиятини тезроқ тиклашда ёнғин ўчириш тизимини тўғри танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари анча такомиллашган бўлиб, сувли, кўпикли, кукунли, газли ва бошқа турдаги автоматик ёнғин ўчириш тизимлари мавжуд.

"Novac 1230" бу — газли ёнғин ўчириш воситаси бўлиб, у одамлар ва уларнинг мол-мулки хавфсизлиги, шу жумладан, электроника, музей, қимматбаҳо қоғозлар сақлаш омбори, кутубхоналар ва бошқа турдаги хоналарга ўрнатилган газли автоматик ёнғин ўчириш тизимларидан анча устун ҳисобланади. "Novac 1230" АЁЎҚ ёнғин ўчириш механизми ёниш манбасидан иссиқлик энергиясини интенсив равишда ажратиб олиш ва шу билан ўзини ўзи ушлаб турувчи реакцияни тўхтатиш орқали совитишнинг жисмоний таъсирига асосланган. Ёнғинни аниқлаш мақсадида "Novac 1230" АЁЎҚ турли хил турдаги ёнғин автоматик хабарловчилар (тутунли, иссиқлик чизиқли ва бошқалар) билан фойдаланиш мумкин.


"Novac 1230" аслида ўзинима?

"Novac 1230" баъзи ҳолатларда қуруқ сув бўлиб, рангсиз ва ҳидсиз суюқлик. Кимёвий формуласи – $CF_3CF_2C(O)CF(CF_3)_2$ перфлуорин (этил изотопли кетон) олти углеродли модда, фторли кетон оқими. Визуал ҳолатда суюқлик тоза сувга ўхшайди ва диэлектрик (электр токини ўтказмайди), заиф намланади ва эритувчи ҳисобланмайди, натижада у "қуруқ сув" деб ҳам аталади. Асл ҳолатда токсик (заҳарли газ) эмас, сувда жуда паст эрийди. Заиф молекуляр алоқалар ультрабинафша нурлари таъсирида парчланади. "Novac 1230" "Freon

FK-5-1-12" номи билан Россия Федерациясида автоматик ёнғинга қарши қурилмаларда улардан фойдаланишнинг стандарт меъёрлари ва қоидалари ишлаб чиқилган моддалар рўйхатига киритилган (SP5.13130.2009).

"Novac 1230"нинг асосий қўлланиши унинг ёнғинга қарши тизимда ёнғинга қарши восита сифатида қўлланиши-

етказмайди. Олов бошланишидан бир неча сония ичида сувга ёки инерт газларга қараганда анча тезроқ ёнғинни бартараф қилади. Электрон ва электр компонентлари, ноёб буюмлар ва архив ҳужжатларини ўз ичига олган қимматли активларни самарали ва зарарсиз ҳимоя қилади. Суюқ ҳолда сақланади ва тизимдан газ сифатида чиқарилади, ти-



дир. Шу билан бирга, физик ва кимёвий хоссаларнинг комбинациясида ишлайди. "Novac 1230" иссиқликни юқори даражада ютади ва совитиш эффекти (70%) туфайли ёнғин ўчиради. Шу билан бирга хонадаги кислород концентрацияси камаймайди (бу одамларни хонадан эвакуация қилиш вақтини кўпайтириш учун муҳим).

Novac 1230 ёрдамида ёнғинга қарши тизимнинг афзалликлари

Газнинг чиқиши ҳаводаги кислород миқдорини камайтирмайди. Самарали иссиқлик ютиш тез ўчиришни таъминлайди. Автоматик газли ёнғин ўчириш тизими ускунасининг технологик қисми ёнғинни эрта аниқлаб, ёниш маҳсулотларининг минимал ёнишида ёнғинни бартараф этади. Электр токини ўтказмайди ва ҳимояланган мулкка зарар

зим инерт газ тизимларига қараганда қарийб 80% камроқ жой эгаллайди. Ёнғиннинг А, В ва С синфлари учун жавоб беради.

"Novac 1230" АЁЎТнинг камчиликлари бошқа ёнғин автоматик тизимларга нисбатан қимматлигида.

Ҳозирги кунда "ЛУОК" МЧЖ объектларида ушбу қурилмалардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Объект тегишли ходимлари томонидан юқори сифатда техник хизмат кўрсатилмоқда.

**С.ҲАМИДОВ,
ФВВ ЎМ ва ТОЁХТТЭБ
"ЛУОК" МЧЖ ОЁХТТЭМ
Қашқадарё вилоятидаги
ОЁХТТЭБ ПванБ инспектори,
катта лейтенант.**

СУНЪИЙ ЎЛАТ – БИОЛОГИК ҚУРОЛ

Эпидемияларни келтириб чиқарадиган юқумли касалликларнинг сунъий равишда яратилиши жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Замонамиз айрим тадқиқотчиларининг фикрларига кўра, “қора ўлим”, яъни XIV аср ўрталаарида бутун Европани қамраб олган “ўлат” пандемияси инсоният тарихидаги энг даҳшатлиларидандир ва у “ўлат захри”дан пайдо бўлган. Ўрта асрларда ҳар турли захарлар ва уларга қарши воситалар яратилиши бутун бир индустрияга айланган ва уларни одамларда синаш замонавий клиник тадқиқотларнинг прототипидир.

Жаҳон тарихидаги энг оламшумул захарланиш.

Тахминларга кўра, қора ўлим Олтин Ўрдада XIII-XVI асрларда пайдо бўлган ва у Қрим ярим ороли ҳамда ҳозирги Истамбул – ўша даврлардаги Константинополь шаҳридан савдо йўллари орқали Европада тарқалган. Жаҳондаги индустриал даврга қадар бирор-бир юқумли касаллик ўлат касаллиги каби бу қадар юқори тезликда тарқалмаган.

1347 йилда минтақанинг жанубий қисмида бошланган ўлат икки йил ичида Болқон, Апеннин ва Пиреней ярим ороллари, марказий Европани, Франция, Англия ва Норвегия ҳудудларини қамраб олган. Европада 1351 йилга келиб ўлат касаллигидан зарар кўрмаган бирор-бир аҳоли истиқомат қиладиган жой қолмаган.

Турли манбаларга кўра, ўлат натижасида Европа аҳолиси сони 30-50 фоизгача қисқарган. Бунчалик кўламга эга офат табиийлигига одамлар ишонишмаган. Ўша даврдаги тарихчилар фикрига кўра, ушбу ўлат захри сектант-сатанистлар томонидан кукун кўринишида ҳудудларга шамол ёрдамида тарқатилган,

сув қудуқлари захарланган, одамларнинг кундалик ҳаётида ишлатадиган буюмларга сеппиб чиқилган.

Конспирологлар далили. Конспирологларнинг тахминлари ҳозирги кунгача ҳам муҳокама қилиниб келинмоқда. 1984 йилда британ зоологи Грэм Твигг ўзининг “Қора ўлим” номли китобини нашр эттирган. Ундан сўнг демограф Сюзанна Скотт биолог Кристофер Дункан билан ҳаммуал-

вазият жуда оғир бўлганлиги аниқланган. Масалан, учинчи пандемиянинг эпимарказида Ҳиндистон аҳолиси уч фоизга қисқарган. Бу жуда кўп, лекин Европада тарқалган қора ўлим пандемияси вақтидагидек 30-50 фоиз эмас. Учинчи пандемия даврида инфекция бир йил ичида ўттиз километргача тарқалган, қора ўлим даврида эса бир кеча-кундузда тўрт километргача тарқалган, чунончи йил ҳисобида оладиган бўлсак, бу бир йилда 1458 километрни ташкил қилади.

Ўлат бургаси илиқ ва нам ҳавони хуш кўради. Шунга кўра, ҳатто Ҳиндистонда ҳам совуқ ҳаво тушганида касалланиш суръатлари камайган. XIV асрда Европада ҳукм сурган аёзли киш мавсуми эпидемияни деярли тўхтатган. Ўрта асрлар хроникачиларидан қолган маълумотларга кўра, касалланган одамда томоқ ва ўпканинг гангреноз ша-

моллаши, юрак қисмида кучли оғриқлар, оғиздан қон келиши ва қон қусиш кузатилган, ҳозирги замонда эса бу аломатлар деярли юзага келмайди.

Ўлатдан биологик қурол сифатида фойдаланиш. Ҳақиқатдан ҳам ўлат кўзғатувчиларидан биологик қурол сифатида фойдаланилган. Қадимги Хитойда ва ўрта асрларда Европада ўзаро урушаётган томонлар ўлат касаллигидан ўлган от ва молларни душманининг ичимлик сув манбаларини захарлашда ишлатишган, ўлик ҳайвонларнинг жасадларини ҳимояланаётган қалъалар ичига катапульталар ёрдамида улоқтиришган ва бу ҳақда ёзма маълумотлар қолдирилган. Худди шу усуллардан қадимги ҳунлар, турклар ва мўғуллар ҳам фойдаланишган.

**Н.ЖУМАЕВ,
ФВВ Академияси
ҳузуридаги ФМИ
кафедраси доценти в.в.б.**

лифликда “Ўлат эпидемиясининг биологияси” (The Biology of Plaques), шунингдек, Глазго университетининг медиевистика профессори Семюэль Коннинг “Қора ўлим муаммосига ноодатий қарашлар” (Black Death Transformed) илмий ишлари оммага етказилди.

“Yersinia pastis” ўлат бактериясини келтириб чиқарувчи ўлат таёқчалари касалланган каламушлар, сичқонлар ва касаллик тарқатувчи бошқа кемирувчилар баданида яшайдиган бургаларнинг чақиши натижасида одамга ўтади.

Зооноз патогенлар табиий равишда бунчалик тез тарқалиши мумкин эмаслигини замонамиз олимлари ҳам таъкидлаб келишмоқда. Улар ўрта асрлар эпидемиясини, беш ярим миллион кишини ёстиғини қуритган давр, яъни XIX аср охири XX аср бошида содир бўлган “учинчи ўлат” эпидемияси билан таққослашган. Натижаларга кўра, XIV юз йилликда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ВА УНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2020 йил 23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни-нинг янги таҳрири эълон қилинди. Мазкур қонун амалдаги қонундан ҳам нормаларининг кўплиги, ҳам тартибга солиш предметининг кенглиги билан ажралиб туради. Агарда, аввалги қонун 34 моддадан иборат бўлса, янги таҳрирдаги қонун 75 моддадан ташкил топган.

Қонунга кўра давлат таълим муассасасининг мақоми аниқланди, яъни давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса эътироф этилди. Шунингдек, нодавлат таълим ташкилотининг ҳам мақоми мустаҳкамланди. Яъни, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс нодавлат таълим ташкилоти, деб белгиланди.

Қонунда биринчи марта таълим соҳасининг 16 та муҳим принциплари кўрсатилди. Бу принциплар миллий менталитетга асосланган бўлиб, улар таълимнинг эркинлиги, тенг имкониятлар таъминланиши, таълимнинг мажбурийлиги, таълим олишнинг очиқлиги, энг асосийси инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишининг белгиланганидир.

Таълим олиш ҳуқуқи ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ажралмаган ҳолда (сиртқи, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш орқали кафолатланади. Оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек, умумтаълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш асосий янгиликлардан

бири ҳисобланади.

Таълим тизимининг қамрови кенг бўлиб, у ҳам ҳужжатларни – давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини қамраб олса, ташкилотлар сифатида – давлат таълим стандартларини, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи ва таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни, таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни ҳамда таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотларни ўз ичига олади. Қонунда таълим турлари қаторига мактабдан ташқари таълим турининг ҳам киритилгани таълимнинг инсонпарварликка йўналтирилганидан далолат беради.

Агарда, умумтаълим 1-11-синфларни ўз ичига олса, ўрта махсус таълим академик лицейларда 9 йиллик таянч ўрта таълим асосида 2 йил мобайнида амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, профессионал таълим бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим даражаларига ажратилди.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида 9-синф битирувчилари негизда кундузги таълим шаклида 2 йиллик интеграциялашган дастур асосида бепул амалга оширилади. Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги 2 йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади. Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги камида 2 йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шу-

нингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки ҳукумат қарорлари билан ташкил этилиши, нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш эса уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда нодавлат таълим ташкилотлари фаолият юритиши учун лицензия Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилади. Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналар ва кенг жамоатчилик таклифига кўра қонунда умумтаълим ташкилотларининг синфлари (гуруҳлари)да таълим олувчилар сони ўттиз беш нафардан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Маълумки, таълим ташкилотлари фаолияти алоҳида ва қатъий белгиланган ҳужжатлар – давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари асосида тартибга солинади. Давлат таълим стандартлари деганда давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи тушунилади. Давлат таълим талаблари эса таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблардир.

Давлат таълим стандартлари умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим мазмуни ва сифатига оид талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқишини таъминлайди.

Давлат таълим талаблари таълим соҳасидаги асосий ҳужжатлардан бири бўлиб, у

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари ва муддатлари, унинг тартиб-қоидаларини белгилайди. Фуқароларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади. Давлат таълим талаблари таълим соҳасидаги тегишли ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талабларини бажариш нодавлат таълим ташкилотларидан ташқари барча таълим ташкилотлари учун мажбурийдир. Нодавлат таълим ташкилотлари мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Педагог ходимларнинг мақоми ва улар фаолиятининг қатор кафолатлари қонунда атрофлича белгиланган. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам батафсил тавсифланган. Шунингдек, таълим ташкилотларининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланган.

Энг муҳим янгиликлардан бири, бу – давлат аккредитацияси ва таълим ташкилотлари аттестациясининг фарқи ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. Таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилиши белгиланган, у беш йил муддатга амалга оширилади.

Давлат аккредитацияси деганда, давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқининг тақдим этилишидан иборат жараён тушунилади.

Таълим ташкилотлари ат-

тестацияси – бу таълим ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли.

Қонунда хорижий давлатдар таълим олганлик ҳужжати тан олиш масалалари ҳам ёритилган. Хусусан, хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат тан олиш жараёндан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади. Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Энди таълимнинг янги масофавий ва дуал таълим каби янги шакллари жорий этиладиган бўлди. Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган. Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизда, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Масофавий таълим ва дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонунчиликдаги яна бир янгилик оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш билан боғлиқ. Болаларнинг оилада таълим олиши ва мустақил таълим олиш услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилган ҳолда тегишли ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади. Оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш тартиби, шунингдек, таълим олувчиларнинг тоифалари таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади. Оилада таълим олган ва мустақил таълим олган шахсларга давлат томонидан тас-

диқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш давлат таълим муассасаларининг тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ экстернат тартибида амалга оширилади.

Маълумки, кўпчилик фуқаролар мустақил равишда таълим олади ва бирон-бир касбни эгаллайдилар, лекин улар белгиланган тартибда ҳужжатга эга бўлмас эди. Ана шу муаммо экстернат тартибда ҳал этиладиган бўлди. Экстернат тартибдаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади. Экстернат тартибдаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 5 та асосий фарқлари мавжуд:

биринчидан, таълим олиш шаклларининг таснифи кенгайтирилган;

иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Таълим инспекцияси), Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, шунингдек, соҳа вазирликлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тафсилотлари билан аниқлаштирилган;

учинчидан, таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми катта эътибор қаратилган;

тўртинчидан, давлат таълим стандартлари ва талаблари, ўқув жараёнига ўқув режалари ва дастурларини, таълим соҳасига экспериментал ва инновацион фаолият таълимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган;

бешинчидан, таълимга оид ваколатли органлар санаб кўрсатилган ва уларнинг ваколатларига оид нормалар белгиланган, таълим жараёнини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш механизмлари белгиланган.

**Гулнора ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ТДЮУ Ихтисослаштирилган
филиали доценти, юридик
фанлари номзоди.**

Юридик соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ЯНГИ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрь куни қабул қилинган "Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 544-сон қарори яна бир бор юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ажралиб туради.

Авваллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази адлия органлари ва муассасалари, адвокатлар, нотариуслар, ФХДЭ органлари ходимларини, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимларини (юрисконсултларини) қайта тайёрладиган ва уларнинг малакасини оширадиган давлат таълим муассасаси сифатида фаолият олиб борган бўлса, янги қарор билан жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб марказ юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим муассасаси сифатида иш олиб боради.

Қарор билан юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари ва Юристар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Давлат таълим талабларида юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашга қўйиладиган талаблар назарда тутилган.

Низомда қайта тайёрлаш ва малака ошириш, шу жумладан, қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш шакллари, кредит-модуль тизими ва масофавий таълим бўйича малака оширишни ташкил этиш, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилган.

Марказда юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган касбий малака талаблари Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ўқитиш давомийлиги қайта тайёрлаш курсларида тўрт ой (576 соат) ни, малака ошириш курсларида эса икки ҳафта (72 соат) ни ташкил этади. Лекин, бу қатъий талаблардан ташқари қисқа курслар ҳам ташкил этилиши йўлга қўйилади. Шунга кўра, қарорда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларига заруратга қараб ўз кадрларининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун доимий равишда тегишли мутахассисларни Марказга малака оширишга йўналтириб туриш вазифаси юкланди.

Марказда малака ошириш курси битирувчиларига электрон сертификатлар бериш амалиётини жорий этиш мақсадида ноёб идентификация рақами ва QR-код ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи "Электрон сертификатлар репозиторийси" тизими ва дастурий таъминоти яратилади.

Қарор билан юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг устувор вазифалари белгилаб берилди. Бундан кейин касбий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда кадрларини малака ошириш ёки қайта тайёрлаш мақсадида буюртмачи ташкилотлар малака

ошириш шаклларини ўзлари мустақил танлайдилар. Бунинг учун буюртмачилар малака ошириш йўналиш мавзулари ва ўқув дастурларини марказ билан биргаликда ишлаб чиқади. Шунингдек, ўқитиш муддатлари ҳам белгиланади, яъни малака оширишнинг даврийлиги аниқлаб олинади.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг кўлами, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳажми, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигига эришиш малака ошириш ёки қайта тайёрлаш тизимини узлуксиз ва мунтазам амалга оширишни талаб этади. Шунга кўра, соҳага оид кадрлар билим ва кўникмаларни доимий такомиллаштириш мақсадида кредит-модуль механизми жорий қилиниши асосий янгилıklarдан ҳисобланади.

Агарда, муқаддам юридик кадрлар қонунчиликда белгиланганидек ҳар уч йилда бир марта малака оширишдан ўтган бўлса, энди малака ошираётганларга бу талаб мажбурий эмас. Кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими фаолиятини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда малака ошириш истагида бўлган ходим марказ томонидан эълон қилиб бориладиган ўқув дастурлари ва малака ошириш йўналишларини мустақил танлайди.

Ҳар бир ўқув дастури ёки аниқ мавзулар бўйича малака оширишда иштирок этган ходим эришган натижалари бўйича тегишли балл йиғиб боради. Малака оширишга қаратилган турли тадбирлар, семинар, тренинг, ўқув курси ва бошқалар натижасида етарли балл тўпланса, ходимнинг фаолияти маълум ўқув дастури бўйича малака оширган, деб эътироф этилади ҳамда унга тегишли сертификат тақдим этилади. Ходимга қонунчиликда белгиланган муддатда кейинги малака ошириши та-

лаб этилмайди, берилган ҳужжат уч йил мобайнида амалда бўлади.

Ходимнинг тизимли ва мунтазам малака ошириш билан боғлиқ жараёнлари мониторинг қилинади ва ягона маълумотлар базаси электрон платформага киритиб борилди. Шу тариқа мамлакат миқёсида юридик соҳага оид малакасини оширган мутахассисларнинг ягона электрон базаси шаклланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юридик соҳага оид билим талаба этиладиган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда ривожланган давлатларда ўзини оқлаган замонавий таълим механизмларининг изчил жорий этилиши соҳага оид кадрларнинг ўз вақтида ва мустақил равишда касбий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ислохотлар билан қаддам-бақаддам боришини таъминлайди.

***Бобоқул ТОШЕВ,
Юристар малакасини
ошириш маркази кафедра
мудир, юридик фанлар
доктори, профессор.***

АМИР ТЕМУР — ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Амир Темур ҳаёти ҳақида кўплаб муаллифлар унинг ҳаётлик давридан бошлаб китоблар ёзиб келган. У ҳақидаги манбаларни бирламчи ва иккиламчи манбалар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бирламчи манбалар сифатида унинг ҳаётлик даврида ва у билан замондош муаллифлар томонидан ёзилган китобларни келтириш мумкин. Иккиламчи манбалар эса вафотидан анча кейин ёзилган китоблар ҳисобланади. Амир Темур саройида унинг жуда кўплаб шахсий котиблари бўлган. Улар муттасил равишда унинг ҳаёт ва фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни ёзиб борган. Лекин улар китоб шаклида бўлмаган, балки хроника тарзида, давлат ҳужжатлари сифатида эски туркий тилида уйғур ёзувида ёзилган. Аммо уларнинг асл нусхалари ҳалигача топилмаган, деб ҳисобланади. Амир Темур ҳаёти ҳақидаги энг бирламчи манбалар сифатида Фиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислонинг “Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришлари ҳақидаги хотиралари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларни, Касилия ва Леон элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг “Самарқандга саёҳат кундалиги” ва бошқа асарларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иккиламчи манбалар сифатида Амир Темур вафотидан кейин ўзигача мавжуд асарлар асосида ва ёзилган асарлар ҳамда европалик ва маҳаллий бир қатор темуршунос тарихчи олимларнинг асарларини келтириш мумкин. Али Яздий ва Ибн Арабшоҳнинг асарлари Темур вафотидан кейин ёзилган бўлишига қарамасдан, бирламчи манба сифатида келишига улардаги мукамаллик сабаб қилиб кўрсатилади.

Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган асарлар қаторига Муставининг “Тарихи ҳайрат”, Ҳофизи Абрунинг “Равзат ус-сафо”, арман тарихчиси Фома Месопскийнинг асарлари, Рене Груссенинг “Чўл империялари”, рус тарихчиларидан Иваниннинг “Икки буюк саркарда” ва бошқа бир қатор француз тарихчиларининг асарларини киритишимиз мумкин.

Амир Темур ҳаёти ҳақидаги асарларни маҳаллий муаллифларнинг китобларидан, ундан кейин хорижлик муаллифлар ва сўнгида бадий асарлардан ўрганишимиз мумкин бўлади. Маҳаллий муаллифлар қаторига темурийлар давлати таркибига кирган ҳудудларда ижод қилган муаллифларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Кристофер Марлонинг “Буюк Темурланг” театр пьесаси, Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли», «Соҳибқирон набираси», «Бибихоним қиссаси», Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достони, «Сарбадорлар» романи, «Улуғ салтанат» эпопеяси шулар қаторидадир.

Амир Темур ҳаёти ҳақида кино, театр соҳасида бадий ҳамда ҳужжатли материаллар тайёрланди. Ўйлаёмизки, Темур шахсияти ҳали кўп йиллар мобайнида тарихчиларнинг илмий ишлари мавзуси бўлади. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак, А.Темур ҳақида ўзбек тилида 2248 та, рус тилида 2085 та, инглиз тилида 655 та, турк тилида 296 та, француз тилида 221 та, тожик тилида 76 та, араб тилида 29 та нашрларда турли материалларни чоп этилиши ҳам бу шахснинг тарихдаги буюк ўрнини белгилашга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 28, 29, 30 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Республика маънавият

ва маърифат маркази, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Туризм ва спорт вазирликлари ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Амир Темур – дунё олимлари ва адиблари нигоҳида” мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилди ҳамда юқори савияда ўтказилди.

Анжуманга 14 та мамлакатдан нуфузли темуршунос олимлар, жумладан, Озарбойжон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва драматург Юнус Ўғуз, Озарбайжон Миллий фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими Тарана Ҳошимова, Халқаро Бобур жамоат хайрия фондининг Швециядаги вакили, профессор Саид Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, ёшлар мураббийси Муҳаммад Али, Тошкент Шарқшунослик университети доценти Аҳмадбек Алимбеков, Германия-Ўзбекистон илмий жамияти раиси Хуррам Раҳимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажидлар Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ташриф буюришди. Анжуман доирасида меҳмонларга “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи бўйича умумий маълумот, ўқишга кириш учун ҳужжатларни топшириш тартиби, ҳарбий танлов ва бериладиган имтиёзлар бўйича батафсил маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, меҳмонлар маъмурий бинода жами 11 та ўқув хонаси, 2 та компьютер синфи, 2 та чет тили (лингафон) хонаси, Ахборот-ресурс маркази, тематика ва маънавият-маърифат хоналари билан таништирилди. Ҳар бир ўқув хонаси замонавий компьютер техникаси ва интерфаол доска ҳамда ўзига хос замонавий стендлар билан

жиҳозланганлиги меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Физика, кимё, биология лабораторияларида ўқув дастурида белгиланган барча лаборатория ишларини бажариш учун зарур бўлган жиҳозлар билан бутланганлиги ўқувчиларнинг лаборатория машғулотларини ўтказишга иштиёқини оширди.

Анжуманни кўп йиллик ижодини буюк Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга, шу мавзуда бадиий асарлар ёзишга бағишлаган атоқли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди. Тадбир давомида бир қатор иштирокчилар томонида мавзу юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Озарбайжон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва драматург Юнус Ўғуз ўз маърузасини 7 та сўз билан якунлади: “Амир Темур Буюк Туроннинг мард ва жасур ўғлони” эканлиги таъкидлаб ўтиб ўтди.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва жасоратини чуқур ўрганиш ёшларимизни ҳақиқий ватанпарвар, азму шижоатли, боболаримизнинг мардлик ва жасорат борасидаги анъаналари руҳида тарбиялашда, катта аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, жасорати ва ватанпарварлиги, жанговар руҳи ва қаҳрамонлигини ёритадиган асарлар ўзимиз ва дунё темуршунос олимлари томонидан шубҳасиз ҳали кўп ва хўп ёзилади.

**Ж.ҚОСИМОВ,
Шаҳрисабз “Темурбеклар
мактаби” ҲАЛ директорининг
биринчи ўринбосари,
подполковник.**

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

Тарихдан маълумки, инсоният ҳаётида турли уй ҳайвонлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қадимда биргина ит ва отнинг қўлга ўргатилиши дастлабки кишилик жамияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Отлар инсоният ривожига асрлар давомида хизмат қилган садоқатли жонивор сифатида тарихга муҳрланган.

Бугун отнинг ўрнини техника тараққиёти маҳсули – автоуловлар эгаллаб, отларга бўлган эҳтиёж анчагина сусайди. Шу боис отлар билан боғлиқ кадриятларимиз ва урф-одатларимиз йўқолиб бормоқда. Шунга қарамасдан, миллий анъаналаримизга содиқ қолиб, ёшлигидан от чоптириб катта бўлган юртдошларимиз жуда кўп ва улар орасида Жиззах вилояти ФВБ ҳарбий хизмачилари ҳам бор.

От – хосиятли жонивор. Ривоятларга кўра, у эгасининг хонадонига ризқ келтирар экан. Халқимизда “Отингдан айрилсанг ҳам, яккамихингни бузма”, деган нақл бор. Яккамих, яъни, от боғлаш учун фойдаланиладиган бақувват ёғочдан қилинган қозиқ ҳисобланади. Узунлиги уч метргача етадиган яккамихни одатда янги ҳовлига кўчиб ўтган уй эгалари оти бўлмаса ҳам келажакда бизнинг ҳовлида ҳам от ризқ бўлиб турсин, деган яхши ният билан ўрнатишади.


От ақлли бўлади, дейишади. Кўпчилик отлар одам танлайди. Ёқтирмаган кишисини яқин йўлатмайди. Айниқса, улоқчи отларда бу хусусият кучли. Шунинг учун ҳам қадимдан ота-боболаримиз от парваришлагга алоҳида эътибор қаратиб келишган. Бу анъана ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Жиззах вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, капитан Бахтиёр Мансуровни вилоятда яхши танишади. Уни нафақат вазирлик тизимидаги кўп йиллик хизматга эга ходим сифатида, балки ҳар томонлама соғлом, чиниққан ва бақувват инсон сифатида ҳам қадрлашади. Бахтиёр аканинг ўзидан сўрасангиз, буни от спорти билан боғлайди.

– Отлар жуда покиза жониворлар бўлишади, – дейди у. – Ҳақиқатан ҳам бошқа жониворларга қараганда тоза юради. Мабодо бирор кун сайисхона тозаланмай қолса, отлар безовта бўлади, улар ҳар қандай жойга думаламайди. Азалдан от ва инсон ўртасида қандайдир яқинлик бор. Ота-боболаримиз ҳатто фарзанд

от парваришлагани ҳам ўрганишади.

От спортини яхши биладиган ходимларнинг яна бири – Тезкор бошқарув маркази смена бошлиғи, капитан Азамат Санақуловдир. Ёшлигидан билим олишга қизиққан Азамат собиқ ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига (ҳозирги ФВБ Академияси) ўқишга кирди. Ўқиш давомида ўзининг зукколиги, қатъияти билан устозлар ва курсдошлари меҳрини қозонди. 2015 йилда Олий мактабни муваффақиятли тамомлаб, Навоий кон металлургия комбинати ЁХБда смена бошлиғи лавозимида иш бошлади. Бу ерда ҳам ўзининг



тарбиясида ҳам отдан унумли фойдаланишган. Шубҳасиз, отнинг устида ўтирган инсоннинг руҳияти соғломлашади. Баландлик одамни сергаклантиради. Уни бошқариш жараёнида абжирлик ва жасурлик ҳисси ортади. Эгар устида ҳушёр бўлади. Унинг тез чопиши инсонни чиниқтиради.

Бошқармада хизмат қилаётган ёшларга Бахтиёр ака ўрнак бўлиб келмоқда. Ёшлар Бахтиёр акадан нафақат хизмат сирларини, балки соғлом ва бақувват бўлиш учун чавандозлик сирларини ҳамда

билими ва истеъдоди билан раҳбарлар ишончини қозонган Азамат 2019 йилда Жиззах вилояти ФВБ тезкор бошқарув маркази смена бошлиғи этиб тайинланди. Ҳамкасблар, ҳатто яқин дўстлари ҳам Азаматнинг бирон марта касал бўлганини эслай олишмайди. У жисмонан бақувват, чарчаш нималигини билмайди. Чунки у бўш вақтида от спорти билан шуғулланади. “От минишнинг ўз гашти бор, – дейди у. – Бирон марта от миниб кўрмаган инсон буни тушунмайди. От устида инсоннинг ўзига бўлган

ишончи ортади. Юксак марраларни эгаллашга қодирлигини ҳис этади.

Бошқармада от спортини севадиган яна бир инсон бор. У Бахмал тумани ФВ бўлими, бўлинма бошлиғи, катта лейтенант Шерзод Ҳасанов.

Отларнинг тури ва сони жуда кўп. Уларнинг тоза зотлисини қандай ажратиш мумкин, дея мурожаат қилганимизда, шундай жавоб олдик:


– Одатда, отларни кўпкарида синашади. Чунки, ҳар қандай отнинг оёқ олиши улоқда маълум бўлади, – дейди Шерзод Ҳасанов. – Йилқини шу тариқа синовдан ўтказиш аждодларимиздан қолган. Кўпкари кўп асрлик мусобақа. У азалдан туркий халқлар ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Унда отлар билан биргаликда полвонларнинг ор-номуси, ғурури, абжирлиги ва довюраклиги синовдан ўтказилган. Полвонлик қондан ўтади. Ота-боболари чавандоз ўтган бўлса, албатта, авлодларнинг бири от чопади.

Отлар ҳайвонлар ичида энг ақллиси ҳисобланади. Улар одамларнинг ташқи кўринишидан кайфиятини билишар экан. Вафодорликда итлардан кейинги ўринда туради. От эгаси вафотидан кўп ўтмай, очликдан нобуд бўлганига ҳаётда кўп бор гувоҳ бўлишган. От миниш соғлиқ учун фойдали, айниқса, эркаклар учун. Киши от минганида танасининг барча аъзолари, ҳатто, оёқ учларигача ҳаракатга келади, бу эса қон айланишини яхшилайти.

Фикр қилиш ўзингиздан. От мингингиз келдими, унда шошилинг. Лекин бир нарсани унутманг, отлар кўрққанингизни ҳам билишади. Шундай экан, кўрқмасликни тавсия қиламиз. Зийрак ва ҳушёр бўлинг. Отлар хушмуомалаликни ёқтиради. Ризқ ва барака излаган ҳар бир инсон уйида от боқади.

**Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ
Ахборот хизмати бошлиғи,
капитан.**

КРОССВОРД



8-сон кроссворднинг жавоблар.

Горизонтал: 1. Малика. 3. Чарос. 4. Мадина. 8. Паризода. 9. Анора. 10. Имона. 12. Азиза. 13. Зайнаб. 15. Адиба. 17. Адолат. 19. Диёра. 20. Сарвиноз. 22. Омина. 24. Эъзоза. 26. Дилноза. 29. Зилола. 32. Райёна. 33. Моҳинур. 34. Асал. 35. Умида. 36. Арофат.

Вертикал: 1. Мумтоз. 2. Ясмина. 5. Дилнура. 6. Шоҳсанам. 7. Фотима. 11. Мафтуна. 14. Шаҳноза. 16. Дурдона. 18. Камола. 21. Ҳадича. 23. Муслима. 25. Анзират. 27. Зарина. 28. Маржона. 30. Ирода. 31. Робия.

ИНДЕКС 1066

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар
вазирлигининг ижтимоий-сиёсий,
илмий-амалий ва
бадиий журнали

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СҮҮНОВ

Мусахҳиҳлар:
Баноат ЮНУСОВА,
Дилдора УБАЙДУЛЛАЕВА

Тахририятга келган муаммоли ва
мураккаб мавзудаги мақолалар
вазирлик Илмий-техник
кенгашида муҳокамадан
ўтказилади.

Қўлёзмалар, фотосуратлар
қайтарилмайди, уларга жавоб
ёзилмайди.

Журналдан қўчириб босилган
мақолалар “Муҳофаза+”
журналидан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2007 йил 3 январда
0105-сонли гувоҳнома билан
рўйхатга олинган.

Қозоғ бичими 60x84 1/8.
Оффсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 4,0.
Адади 2330 нусха.
Бюджет №

Босмаҳонага топширилди:
18.10.2021 й.

МСҶ “BUSINES PRINT DESING”
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота, 5а.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй
Тел.: (71) 235-58-49
(99) 012-19-59
(90) 996-36-77

e-mail: vaziyat03@mail.ru
Телеграм: (90) 016-87-67

ISSN 2091-5284

“Муҳофаза+” журнали ва
“Вазият” газетаси
бирлашган тахририяти

МУНДАРИЖА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

1

SH. AHMADALIYEV

Qadri baland ona tilim

2

Г. БЕКОВА

Тил - миллат кўзгуси

3

Р. СОБИРОВ

Меҳридарё устозлар

4

Р. РЎЗИЕВ

Устоз ёди

6

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ

Иброҳимнинг юлдузи

8

Н. КАРИМОВ

Хавфсизлик ва барқарорлик

10

Н. КАРИМОВ

Зарафшон водийсида геозекологик вазият

12

А. БАННАЕВ

Зилзила содир бўлганда ва ундан сўнги ҳаракатлар

14

Р. МАҲМУДОВ, Б.КАРИМОВА

Тарбияланувчининг мусомала маданияти

16

Т. САЙДАЛИЕВ

Фидойи генерал эди

20

С. ҲАМИДОВ

Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари

22

Н. ЖУМАЕВ

Сунъий ўлат – биологик қурол

23

Г. ХУДОЙБЕРДИЕВА

Қонунчиликдаги янгиликлар ва уни қўллаш масалалари

24

Б. ТОШЕВ

Юридик соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва
малакасини оширишнинг янги тизими

26

Ж. ҚОСИМОВ

Амир Темур — дунё олимлари нигоҳида

28

Ф. АБДУРАҲМОНОВ

Аждодлардан мерос

30

Д. РАҲИМЖОНОВА

Қроссворд

32



Кўчқор НОРҚОБИЛ

КЕСМА!

Осмондаги юлдуздан ҳатто
Беларуснинг дарахлари кўп.
Ҳеч зот қўлга олмайди болта
Кесилмайди бунда битта чўп.

Синчиклаб боқ, харитасида
Яшил дунё солланар бедор.
Шаҳарларнинг қоқ ўртасида
Тиғ тегмаган ўрмонбоғлар бор...

Брест йўли... Тош қотдим бир дам
Иложим йўқ... Қандай қарамай?
Наҳот унга шунча ўрмон кам —
Экаяпти кимдир қарағай...

Йўл четида турардим карахт
Кучгим келди азиз Инсонни!
У биларди ҳар битта дарахт
Суяб турар бугун осмонни...

Ўйга ботдим... Қалб оғриқ олди —
Наҳот ердан оёқни уздик.
Кесма! Тўрт-беш дарахтинг қолди
Осмон яқин келмоқда, ўзбек...





*Довюраксан, ишончли посбон,
Сен туфайли мусаффо осмон,
Юрт тинчи учун кўксинг қалқон,
Ўзбегим қутқарувчилари.*



МУХОФАЗА+

2021 /9/ (201)



Янги Ўзбекистон боғи